

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Р.А.ИСАЕВ, С.М. ОСИМОВ, М.А.ТИЛЛЯХОДЖАЕВ, Р.Х.МА СУДОВ

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ВА БИЗНЕС-РЕЖА**

5540500- «Тўқимачилик саноати маъсулотлари технологияси» бакалавриат
таълим йўналиши талабалари учун дарслик

Тошкент -2010

Дарсликнинг биринчи қисмида пахта саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг мазмуни, объекти, предмети, вазифалари, шакллари, хусусиятлари ёритилган. Иккинчи қисм пахта саноати корхоналари фаолиятининг ўзига хос томонларини қисобга олган ҳолда бизнес-режаларни тузиш услуги баён этилган.

Дарслик олий ўқув юртларида «Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси», «Иқтисодиёт», «Менежмент», «Маркетинг», «Бухгалтерия қисоби ва аудит» каби таълим йўналишлари бўйича билим олаётган бакалаврлар ва магистрларга, шунингдек, ўрта махсус ўқув юртлари талаба ва ўқитувчиларига мўлжалланган.

В первой части учебника рассматривается содержания и задачи объекта, предмета и особенности производства хлопковой промышленности. Во второй части специфической их особенности производственной деятельности хлопковой промышленности дается методические основы разработки бизнес-плана.

Учебник предназначен для бакалавров и магистров ВУЗа по следующими направлению обучения: «Технология изделия текстильной промышленности», «Менежмент», «Маркетинг», «Бухгалтерский учет и аудит», а также учащихся и преподавателей среднее специального учебного заведения.

In the first part of textbook is considered contentses and problems of the object, subject and particularities production to cotton industry. In the second part of specific their particularities to production activity to cotton industry is given methodical bases of the development of the business plan.

The Textbook is intended for bachelor and master of the HIGH SCHOOL on the following direction of the education: "Technology of the product to textile industry", "Management", "Marketing", "Accounting and аудит", as well as учащихся and teachers average special educational institution.

Кириш	3
I бўлим	
Пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш	7
<i>I Боб. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бизнес-режалаштиришнинг мазмуни ва вазифалари</i>	7
1.1. Фаннинг объекти, предмети ва ўрганиш услубиёти	7
1.2. Фаннинг мазмуни ва унинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги	12
1.3. Фаннинг вазифалари	13
<i>II Боб. Пахта sanoati ривожланиши</i>	15
2.1. Пахта ва уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотлар	15
2.2. Ўзбекистон Республикасида пахтачилик ривожланиши қозирги қолати ва истиқболлари	16
2.3. Жақ онда пахта толаси ишлаб чиқариш ва истеъмолчи	23
<i>III Боб. Пахта тозалаш корхонасини бошқариш ва унинг ишлаб чиқариш тузилмаси</i>	29
3.1. Бошқаришнинг ташкилий тизими ва унинг турлари	29
3.2. Пахта тозалаш корхонасининг бошқарув тизими	33
3.3. Пахта тозалаш корхонаси бошқарув тузилмасининг вазифалари	35
3.4. Пахта тозалаш корхонаси ишлаб чиқариш тузилмаси	39
<i>IV Боб. Ишлаб чиқариш жараёни ва уни вақт ораллигида ташкил этиш</i>	46
4.1. Ишлаб чиқариш жараёнининг тавсифи	46
4.2. Ишлаб чиқариш жараёнларининг турланиши	47
4.3. Ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш	

тамойиллари	51
4.4. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш усуллари	54
4.5. Ишлаб чиқариш ташкилий типлари	58
V Боб. Пахта тозалаш корхоналари тайёрлов фаолиятини ташкил этиш	61
5.1. Пахта хом ашёсини тайёрлаш тизмининг вазифалари	61
5.2. Пахта контрактацияси	65
5.3. Тайёрлов масканида пахта хом ашёсини тайёрлашни ташкил этиш	66
5.4. Ўн абул ўқилинган пахта сифати ва вазнини аниқлаш	94
5.5. Пахтани сақлашда унинг ўқисоб-китоби	97
5.6. Пахтани тайёрлов масканидан ташиб кетиш ва уни пахта заводида ўн абул ўқилиш	113
5.7. Ўқуритиш-тозалаш цехида пахтага ишлов беришни ўқисобга олиш	125
5.8. Ўн абул ўқилиб олинган пахтага ўн ақ тўлаш	126
VI Боб. Асосий ишлаб чиқаришни ташкил этиш	131
6.1. Ишлаб чиқариш ўқувати ва уни ўқисоблаш услубиёти	131
6.2. Ишлаб чиқариш дастури мазмуни ва асосий кўрсаткичлари	137
6.3. Ишлаб чиқаришда пахта ва пахта мақсулотларини ўқисобга олиш.	139
6.4. Пахта мақсулотларини омборда ўқисобга олиш	141
6.5. Пахта тозалаш заводи технологик жараёни	160
6.6. Пахта тозалаш корхоналарида оқимли ишлаб чиқаришни ташкил этиш	173
VII Боб. Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар ишини ташкил этиш	176
7.1. Пахта тозалаш корхоналари ёрдамчи ишлаб чиқаришлар фаолияти хусусияти	176

7.2. Корхона таъмирлаш хўжалиги ишини ташкил этиш	177
7.3. Арра- колосник хўжалиги фаолияти	180
7.4. Энергия таъминоти хўжалиги	185
7.5. Ички завод транспорти	189
7.6. Омбор хўжалиги	191
7.6. Ён­индан му­офаза хўжалиги	192

VIII Боб. Пахта тозалаш корхоналарида ме­нат ва иш

а­ уни ташкил этиш	195
8.1. Ме­натни илмий ташкил этишнинг мазмуни, вази­фаси ва мо­ияти	195
8.2. Иш жойларини ташкил этиш.	197
8.3. Пахта тозалаш корхонаси кадрлари таркиби.	202
8.4. Ме­нат унумдорлиги ва уни ошириш омиллари	204
8.5. Ме­натни техникави меъёрлаш асослари	207
8.6. Ишлаб чи­аришда иш ва­тининг сарфланишини туркумлаш	210
8.7. Ме­натна а­ тўлаш	217

IX Боб. Маркетинг фаолиятини ташкил этиш

9.1. Корхоналарда маркетинг тизимини ташкил этиш	231
9.2. Маркетинг­ни ташкил этиш принциплари.	235
9.3. Корхонада маркетинг хизматини бош­аришнинг ташкилий тизими	239
9.4. Пахта ма­сулотлари сотилишини ташкил этиш	248

II Ҳисм

ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИДА БИЗНЕС-РЕЖАЛАШТИРИШ.

X Боб. Корхона бизнес-режаси ва унинг асосий бўлимлари

10.1. Бизнес-режанинг мо­ияти ва а­амияти	253
10.2. Корхона ва унинг ишлаб чи­ариш фаолияти режалаштиришнинг объекти сифатида	255

10.3. Режа турлари ва уни ишлаб чиқишда ўлланадиган ушулар	260
10.4. Бизнес-режа тузиш жараёни	265
10.5. Бизнес-режа бўлими	271
XI Боб. Работ даражасини баолаш	276
11.1. Работнинг моияти ва шакли	276
11.2. Работбардошликнинг назарий модели	279
11.2.1. Товар работбардошлигини баолашнинг аналитик модели	279
11.2.2. Корхона работбардошлигини баолашнинг аналитик ушулари	297
11.2.3. Товар ва корхона работбардошлигини баолашнинг график ушулари	305
XII Боб. Тайёрлов фаолиятини режалаштириш	320
12.1. Пахта хом-ашёсини тайёрлаш, саолаш ва ташиш режаси ..	320
12.2. Пахта хом-ашёсини тайёрлаш харажатлари метаси	324
12.3. Пахта хом-ашёсини тайёрлов масканидан заводга ташиб келтириш харажатлари метаси	326
12.4. Ёуриши-тозалаш цехи фаолиятини режалаштириш	328
XIII Боб. Пахта тозалаш корхоналари масулот ишлаб чиариш режаси	334
13.1. Пахтачилик масулотларини ишлаб чиариш режаси	334
13.2. Асосий технологик асбоб-укуналар иш фаолиятини режалаштириш	336
13.3. Асбоб-укуналар иш режимини аниолаш	339
13.4. Пахтадан олинадиган масулот ассортиментини ва сифатини режалаштириш	340
13.5. Ишлаб чиариш оажмини оиймат кўрсаткичлари бўйича режалаштириш	345
XIV Боб. Ташкилий режа ва менежмент ..	348

14.1. Ташкилий режа моҳияти ва унга қўйиладиган талаблар . . .	348
14.2. Иш вақти балансини тузиш.	351
14.3. Корхонада ишловчилар сонини режалаштириш	353
14.4. Иш вақти фондини режалаштириш	357
14.5. Пахта тозалаш корхонасининг умумий меҳнат режаси . . .	360

XV Боб. Айланма фондлар ва моддий харажатларни

режалаштириш	363
15.1. Айланма фондлар таркиби	363
15.2. Хом-ашё ва материалларни меъёрлаштириш асослари . .	367
15.3. Пахта тозалаш корхоналарининг моддий харажатларини режалаштириш	371
15.4. Хом-ашё сарфини режалаштириш	376

XVI Боб. Маркетинг режаси 395

16.1. Маркетинг режа бўлимининг аҳамияти ва моҳияти . . .	395
16.2. Маркетинг режаси бўлимлари тавсили	396

XVII Боб. Маҳсулот таннархини режалаштириш

ва калькуляциялаш	427
17.1. Пахта тозалаш саноати корхоналари маҳсулоти таннархи таркибининг характерли хусусиятлари	427
17.2. Пахта хом-ашёси таннархини режалаштириш.	428
17.3. Пахта тозалаш заводлари ишлаб чиқариш харажатларини режалаштириш	431
17.4. Пахта тозалаш заводи маҳсулоти ишлаб чиқариш таннархини калькуляциялаш	434

XVIII Боб. Пахта тозалаш корхонаси молия режаси 439

18.1. Молиявий механизм амал қилиш шароитлари	439
18.2. Пахта тозалаш корхонаси молиявий ресурслари.	441
18.3. Маҳсулот сотишдан тушган тушум	442
18.4. Фойда ва унинг турлари	446
18.5. Солиқларнинг умумий тавсифи	449

18.6. Даромад ва харажатлар баланси..... 452

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... 453

Содержание

Раздел I.

Организация производства на предприятиях хлопкоочистительной промышленности 3

Глава I. Задачи и содержание бизнес-планирования и организация производства на хлопкозаводе 7

- 1.1. Объект, предмета и методы его изучения 7
- 1.2. Содержание курса и его связь с другими дисциплинами . . . 12
- 1.3. Задачи курса 13

Глава II. Развитие хлопковой промышленности 15

- 2.1. Хлопок и хлопковая продукция. 15
- 2.2 Развитие хлопководства в Республике Узбекистан в
настоящем и будущем 16
- 2.3. Мировое производство хлопко-волокна и её потребление .. 23

Глава III. Система управления хлопкозаводом и производственно-организационная структура 29

- 3.1. Организационные структуры управления и её виды. 29
- 3.2. Система управления хлопкозаводом 33
- 3.3. Принципы и задачи управления хлопкозаводом 35
- 3.4. Производственная структура хлопкозавода 39

Глава IV. Производственный процесс и организация его во времени 46

- 4.1. Сущность организации производственного процесса 46
- 4.2. Функции производственного процесса 47
- 4.3. Основные принципы организации производственного
процесса 51
- 4.4. Методы организации производственного процесса 54
- 4.5. Типы организации производства 58

Глава V. Организация и планирование заготовительной

Деятельности	61
5.1. Задачи и функции хлопкозаготовительной деятельности ..	61
5.2. Контрактация хлопка-сырца.	65
5.3. Организация заготовки хлопка-сырца на заготовительных пунктах	66
5.4. Определение качества и кондиционного веса хлопка-сырца	94
5.5. Учет хранения хлопка-сырца.	97
5.6. Смета затрат по доставке хлопка-сырца на завод.	113
5.7. Смета затрат по сушке и очистке хлопка-сырца на заготовительном пункте	125
5.8. Расчеты за принятый хлопок-сырец с хлопкосеющими хозяйствами	126
Глава VI. Организация основного производства хлопкозавода ...	131
6.1. Производственная мощность хлопкозавода и методы её расчета	131
6.2. Содержание и основные показатели производственной программы	137
6.3. Учет хлопка-сырца и хлопковой продукции на производстве	139
6.4. Учет хлопковой продукции на складе	141
6.5. Технологический процесс хлопкозавода	173
Глава VII. Организация вспомогательных производств и непромышленных хозяйств хлопкозавода.	176
7.1. Содержание деятельности вспомогательных производств и непромышленных производств	176
7.2. Организация работы ремонтного хозяйства	177
7.3. Пильно-колосниковое хозяйство	180
7.4. Энергетическое хозяйство	185
7.5. Внутризаводской транспорт.	189

7.6. Складское хозяйство	191
7.7. Противопожарное хозяйство	192

Глава VIII. Организация труда и заработной платы

на хлопкозаводе.	195
8.1. Научные основы организации труда, задачи, содержание и её значение.	195
8.2. Организация рабочих мест.	197
8.3. Структура персонала хлопкозавода	202
8.4. Производительность труда и факторы её роста.	204
8.5. Основы технического нормирования труда	207
8.6. Виды затрат рабочего времени	210
8.7. Организация оплаты труда	217

Глава IX. Организация маркетинговой деятельности

9.1. Организация маркетинговой деятельности на предприятии .	231
9.2. Основные принципы организации маркетинга.	235
9.3. Управления маркетинговой деятельности на предприятии .	239
9.4. Организация сбыта хлопковой продукции	248

Часть II.

Бизнес-планирование на предприятиях хлопкоочистительной промышленности

Глава X. Бизнес-план хлопкозавода и его основные разделы

10.1. Сущность и содержание бизнес-плана.	253
10.2. Предприятия и производственная его деятельность – как объект планирования	255
10.3. Виды планирования и методы их использования.	260
10.4. Разработка бизнес-плана	265
10.5. Разделы бизнес-плана	271

Глава XI. Оценка уровня конкуренции.

11.1. Конкуренция: значение и их формы.	276
11.2. Теоретические модели конкурентоспособности	

продукции	279
11.2.1. Аналитические модели оценки конкурентоспособности товара	279
11.2.2. Аналитические модели оценки конкурентоспособности Предприятия	297
11.2.3. Графические методы оценки конкурентоспособности предприятия и товара	305
Глава XII. Планирование заготовительной деятельности	320
12.1. План заготовки, хранения и вывоза хлопка-сырца	320
12.2. Смета затрат по заготовке хлопка-сырца	324
12.3. Смета затрат по доставке хлопка-сырца на хлопкозавод . . .	326
12.4. Организация и планирование работы сушильно- очистительных цехов.	328
Глава XIII. Производственный план выработки продукции на хлопкозаводе	334
13.1. Производственный план выработки хлопковой продукции.	334
13.2. План работы основного технологического оборудования .	336
13.3. Планирования режима работы оборудования.	339
13.4. Планирования ассортимента и качества хлопковой продукции	340
13.5. План выработки хлопковой продукции.	345
Глава XIV. Организационный план и менеджмент.	348
14.1. Содержание организационного плана и требования предъявляемые к нему	348
14.2. Баланс рабочего времени	351
14.3. Планирование численности персонала	353
14.4. Планирование фонда заработной платы	357
14.5. Сводный план по труду хлопкозавода.	360
Глава XV. Оборотные фонды и планирование материальных затрат	363

15.1. Структура оборотных производственных фондов	363
15.2. Нормирование расхода сырья и материалов.	367
15.3. Планирование материальных затрат хлопкозавода	371
15.4. Планирование расхода сырья	376
Глава XVI. Маркетинговый план.	395
16.1. Содержание и значение маркетингового плана.	395
16.2. Характеристика основных разделов маркетингового плана	396
Глава XVII. Планирование и калькулирование себестоимости хлопковой продукции	427
17.1. Особенности структуры себестоимости продукции хлопкоочистительной промышленности	427
17.2. Планирование себестоимости хлопка-сырца	428
17.3. Планирование производственных затрат хлопкозавода	431
17.4. Калькуляция производственной себестоимости хлопковой продукции.	434
Глава XVIII. Финансовый план хлопкозавода	439
18.1. Условия реализации финансового механизма	439
18.2. Источники финансовых ресурсов на хлопкозаводе.	441
18.3. Доходы от реализации продукции	442
18.4. Прибыль и её виды	446
18.5. Налог и налогообложение	449
18.6. Баланс доходов и расходов	452
Список использованной литературы.	459

Contents

The Section I.

The Organization production on enterprise

хлопкоочистительной to industry	3
<i>Chapters I. The Problems and contents business-planning and organization production cotton plant</i>	7
1.1. The Object, subject and methods of his(its) study	7
1.2. The Contents of the course and his(its) relationship with the other discipline	12
1.3. The Problems of the course	13
<i>Chapters II. The Developments to cotton industry</i>	15
2.1. The Pat and cotton produkciya	15
2.2 Development cotton growing in Republic Uzbekistan in persisting and future	16
2.3. The World production cotton-filament and her(its) consumption ..	23
<i>Chapters III. The Managerial system cotton plant and production-organizing structure</i>	29
3.1. Organizing structures of management and her(its) vidy	29
3.2. The Managerial system cotton plant	33
3.3. The Principles and problems of management cotton plant	35
3.4. Prizvodstvennaya structure cotton plant	39
Chapters IV. Prizvodstvennyy process and organization him(it) at time ..	46
4.1. Essence to organizations of the production process	46
4.2. The Functions of the production process	47
4.3. The Cardinal principles to organizations of the production process ..	51
4.4. The Methods to organizations of the production process	54
4.5. The Types to organizations production	58
<i>Chapters V. The Organization and planning preparing activity to Activity</i>	61
5.1. The Problems and functions cotton preparingy to activity	61
5.2. The Contracting hlopka-syrca	65
5.3. The Organization of the stocking up the pat-product in its raw	

state on preparing activity points	66
5.4. The Determination quality and standard weight of the pat-product in its raw state	94
5.5. The Account of keeping hlopka-syrca	97
5.6. The Estimate of expenditures on delivery of the pat-product in its raw state on zavod	113
5.7. The Estimate of expenditures on drying and clearing the pat-product in its raw state on preparing activity point	125
5.8. The Calculations for accepted pat-product in its raw state with Cotton growing farmes	126
Chapters VI. The Organization main production cotton plant	131
6.1. The Production power cotton plant and methods of her(its) Calculation	131
6.2. Contents and leading indexes of the production program	137
6.3. The Account of the pat-product in its raw state and cotton product on production	139
6.4. The Account to cotton product on storehouse.	141
6.5. The Technological process cotton plant	173
Chapters VII. The Organization auxiliary production and noindustrial facilities cotton plant	176
7.1. The Contents to activity auxiliary production and noindustrial production	176
7.2. The Organization of the functioning repair facilities	177
7.3. Pilino-kolosnikovoe facilities	180
7.4. The Energy facilities	185
7.5. Vnutrizavodskoy transport	189
7.6. The Storage facilities	191
7.7. The Fire-prevention facilities	192
Chapters VIII. The Organization of the labour and salary on cotton plant	195
8.1. The Scientific bases to organizations of the labour, tasks, contents	

and her(its) znachenie	195
8.2. The Organization worker mest	197
8.3.Структура personnel cotton plant	202
8.4. Power of the labour and factors her(its) rosta	204
8.5. The Bases of the technical standertization of the labour	207
8.6. The Types of the expenseses of the uptime	210
8.7. The Organization of the payment of the labour	217
Chapters IX. The Organization to marketing activity	231
9.1. The Organization to marketing activity on enterprise.	231
9.2. The Cardinal principles to organizations marketinga	235
9.3. Control of marketing activity on enterprise	239
9.4. The Organization of the marketing to cotton product	248
Parts II.	
The Business-planning on предприятиях in the cotton	
proessing to industry	253
Chapters X. The Business plan cotton plant and his(its) main	
sections	253
10.1. Essence and contents biznes-plana	253
10.2. The Enterprises and production his(its) activity - as object of the Planning	255
10.3. The Types of the planning and methods of their use	260
10.4. The Development of the business plan	265
10.5. The Sections of the business plan	271
Chapters XI. The Estimation level konkurencii..	276
11.1. The Competition: importance and their formy.	276
11.2. The Theoretical model to competitiveness to product	279
11.2.1. The Analytical models of the estimation to competitiveness of goods	279
11.2.2. The Analytical models of the estimation to competitiveness of the Enterprise	297

11.2.3. The Graphic methods of the estimation to competitiveness of the enterprise and goods	305
Chapters XII. Planning preparing activity to activity	320
12.1. The Plan of the stocking up, keeping and export of the pat-product in its raw state	320
12.2. The Estimate of expenditures on stocking up the pat-product in its raw state	324
12.3. The Estimate of expenditures on delivery of the pat-product in its raw state on cotton plant	326
12.4. The Organization and planning the functioning Of work-cleansing shop	328
Chapters XIII. The Production plan of the production to product on cotton plant	334
13.1. The Production plan of the production to cotton product.	334
13.2. The Plan of the functioning(working) the main technological Equipment	336
13.3. Planning state of working oborudovaniya	339
13.4. Planning the assortment and quality to cotton product	340
13.5. The Plan of the production cotton produkcii	345
Chapters XIV. The Organizing plan and management	348
14.1. The Contents of the organizing plan and requirements presented to him	348
14.2. The Balance of the uptime	351
14.3. Planning to number of the personnel	353
14.4. Planning the fund of the salary	357
14.5. The Consolidated plan on labour cotton plant	360
Chapters XV. The Circulating funds and planning the material Expenseses	363
15.1. The Structure of the circulating production assets	363
15.2. The Standertization of the expense cheese and materialov.	367

15.3. Planning the material expenseses cotton plant	371
15.4. Planning the expense cheese	376
Chapters XVI. Marketing plan	395
16.1. The Contents and importance marketing plana	395
16.2. The Feature of the main sections of the marketing plan	396
Chapters XVII. Planning and calculation prime cost to cotton	
product.	427
17.1. The Particularities of the structure to prime cost to product	
Cotton proesing to industry	427
17.2. Planning to prime cost of the pat-product in its raw state	428
17.3. Planning the production expenseses cotton plant	431
17.4. The Calculation to production prime cost cotton produkcii	434
Chapters XVIII. The Financial plan cotton plant	439
18.1. The Conditions realization financial mechanism	439
18.2. The Sources financial resource on cotton plant	441
18.3. The Incoms from sales of products	442
18.4. Profit and her(its) types	446
18.5. The Tax and taxing	449
18.6. The Balance incom and expenses	452
Lists used by literary	459

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгандан сўнг Президент И.А.Каримов ташаббуси билан республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратиб берилди, тез орада унинг ташкилий, қуқуқий асоси барпо этилди ва шу асосда тадбиркорликнинг янги ширралари шаклланди. Мустақиллик йилларида олиб бориланаётган иқтисодиёт соҳасидаги туб ислоотларни олиб боришдан қўзланган маҳсад мамлакатимиз иқтисодий қудратини ошириш, экспорт салоҳиятини мустақамлаш, жаҳон амжамиятида ўз мавқеини янада ошириш орқали жамият аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қўлароқ қондиришга йўналтирилгандир. Бу муқим вазифаларни муваффақиятли қал этиш борасида қукуматимиз иқтисодиётнинг ўзак тармоқларини жадал ривожлантиришга жиддий эътиборини қаратди. Ана шундай тармоқлардан бири пахтачилик мажмуаси саналади.

Республикамиз азалдан пахтани етиштириш бўйича бой тажрибага, етарли моддий-техника таъминотига эгадир. Шундай бўлсада, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ пахта яккақоқимлигига барқам берилди. Бу соҳада олиб борилган ислоотлар натижаси ўлароқ республикамиз жаҳонда пахта етиштириш бўйича нуфузли мавқеига эгадир.

Пахта тозалаш корхоналари янги мулк шаклида фаолият юритиб, замонавий бошқариш тизимларига эга бўлган, янги техника базасида меҳнат юксак даражада ташкил этилган ва технологияси мукаммаллашган корхоналарга айланиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида қар бир ишлаб чиқариш бўлини ўз олдига асосий маҳсад қилиб юқори фойда олишни қўяр экан, бу маҳсадга эришишида мавжуд моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиши талаб этилади. Пахта тозалаш корхоналари ўзлари ишлаб чиқарган пахта толасининг асосий қисмини хорижга экспорт қилмоқда. Хорижлик истеъмолчилар пахта

толасинингсифатига ўзларининг юзори талабини ўймондалар. Шунинг учун истеъмолчилар талабини тўла қондирадиган, раобатбардош пахта маъсулотларини ишлаб чиқаришда нафаъатсифатли хом-ашё, илмор техника ва технология, балки юзори малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳам муим аамият касб этади.

Пахта саноати корхоналари фаолиятини ташкил этишва унинг иқтисодиётида ўзига хос хусусиятлар борлигидан бу саноатда режалаштириш, ишлаб чиқариш фаолиятини қисобга олиш ва тақлил қилишнинг ҳам ўзига хос услублари таркиб топади.

Ушбу тармонда тадбиркорликнинг муваффақиятли амалга оширилиши қўп жиқатдан илмий асосланган, гуруҳ иқтисодий тақлил натижалари негизида ишлаб чиқилган стратегияга боқлиқдир.

Маълумки, корхона фаолиятининг аниқ бир мақсадлари ва истиқболларини маълум бир даврга ифодаловчи қўжжат – бизнес-режа қисобланади. У мақсадни ифодалабгина қолмай, балки бизнес муваффақияти кафолати ҳамдир.

Бир қанча олий ўқув юртлари пахта тозалаш саноати учун қархил касб ва ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрламоқда. Бу мутахассислар корхоналарда рақбарлик лавозимида бўлишидан, ишлаб чиқариш ташкилотчиси ёки айрим бўлинмаларда бевосита маъсул бўлиб ишлашидан қатъи назар, улар бозор иқтисодиёти шароитида корхона раобатбардошлигини таъминлаш ва ишда юзори натижаларга эришиш учун самарали ишлаб чиқаришни ташкил этиш услублари ҳамда иқтисодиёти мукамал билишлари лозим.

Бинобарин, ушбу кўрсатиб ўтилган сабаблар пахта тозалаш саноати учун техник мухандислар ва иқтисодчи – менежерларни тайёрлашда, шунингдек пахта тозалаш корхоналарида бевосита ишлаб турган ходимлар учун яқиндан ёрдам берадиган махсус дарсликни яратишни тақозо қилади.

Ушбу дарслик икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда саноат ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг хусусиятлари, корхоналарни бошқариш ва

унинг ишлаб чиқариш тузилмаси, ишлаб чиқариш жараёни ва уни ваът оралиқда ташкил этиш, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, маркетинг фаолиятини ташкил этиш масалалари ёритиш кўпроқ пахта тозалаш корхоналари фаолиятининг ажиралиб турадиган белгиларига таяниб амалга оширилган.

Иккинчи ўсимда пахта тозалаш корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятининг ажиралиб турадиган белгиларини ўсибга олган ўлда бизнес-режалаштиришни амалга ошириш жараёни батафсил баён этилган.

Ушбу дарсликдаги материалларни баён этишда муаллифлар бошқа турдош фанлар, яъни пахтани дастлабки ишлаш, бухгалтерия ўсиби ва ўсиботи, статистика, менежмент, маркетинг кабиларнинг маълумотларига, тамойилларига таянган. Дарсликни ёзиш жараёнида ушбу соҳадаги ўабул ўилинган ўонунлар, Президент фармонлари, ўукумат ўарорлари, меъёрий ўужжатлар ва бошқа бир ўанча манбалар маълумотларидан фойдаланилади.

Дарсликнинг аввалги ва мавжуд дарслик ва ўўув ўўлланмамаларидан фарқланадиган жиҳати ушбу тармоқ бўйича бу каби дарсликларнинг бозор иқтисодиёти муносабатларини ўсибга олган ўлда яратилмаганлиги билан изоқланади. Хусусан, Ю.Додобоев, А.Худойбердиевлар томонидан «Корхона иқтисодиёти» фанидан ёзилган ўўув ўўлланмаси умумий тарзда корхона иқтисодиёти ва уни ташкил этиш масалаларига бағишланган. А.А.Ортиқов томонидан «Саноат иқтисодиёти» фанидан ёзилган дарсликда эса бутун иқтисодиёт тизимида саноат ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодиёти, унинг асосий тушунча ва тамойиллари, кўрсаткичлари, самарадорлик мезонлари каби масалалар ёритиб берилган. Турсунхўжаев П.М. томонидан «Корхоналарда ишлаб чиқариш ва режалаштириш» деб номланган ўўув ўўлланмаси эса озиқ-овқат саноати корхоналарида мақсулот ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва фаолиятини режалаштириш масаларини ёритишга бағишланган. Абдуллаев А., Айбешов Х.лар томонидан ёзилган «Бизнес-режа» ўўув ўўлланмасида ўам бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини бизнес-режалаштириш масаласи умумий

тарзда баён этилган, яъни барча корхоналар учун бизнес-режалар тузишнинг умумий Ҳоидалари кўрсатиб берилган. Ортинов А.А., Юлдашева Ш.М., Карабаева Т.Ш., Нажмидинов Р.Д.лар томонидан ёзилган «Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш» фанидан яратилган дарсликларида ҳам барча саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш баён этилган бўлиб, саноатнинг айрим тармоқларида, хусусан пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва фаолиятини режалаштиришда айрим ажралиб турадиган хусусиятлар Ҳисобга олинмаган. Кагановский А.Я., Раскин И.И.лар томонидан ёзилган «Экономика и организация хлопкоочистительной промышленности» (–Т.: Ўқитувчи, 1994й.) ўқув Ҳўлланмасида пахта тозалаш саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг иқтисодий масалалари эски иқтисодий бошқариш тизими нуқтаи назаридан баён этилган ва бунда бозор иқтисодий шароитлари ва Ҳонун-Ҳоидалари Ҳисобга олинмаган. Булар барчаси Ушбу дарсликни яратиш заруратини келтириб чиқарди.

Ушбу фанни ўрганишдан мақсад талабларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бизнес-режалаштиришнинг услубий, назарий асосларини ўрганиш орқали мустақил фикрлашни ўрганиш орқали мустақил фикрлашни шакллантириш ва амалий кўникмаларни Ҳосил Ҳилишдир.

Ушбу дарслик олий ўқув юртлирининг асосан «Тўқимачилик саноати мақсулоти технологияси», шунингдек «Иқтисодий», «Менежмент», «Маркетинг», «Бухгалтерия Ҳисоби ва аудит» каби таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар ва магистрларни тайёрлашга, ўрта махсус юртли ўқув ва ўқитувчиларига, аспирант ва докторантларига, иқтисодий ишлар билан шуғулланувчи мутахассислар, тадбиркорлар ҳамда иқтисодий билан Ҳизишувчи китобхонлар оммасига мўлжалланган.

I Ҷисм

Пахта тозалаш корхоналари ишлаб

чиқаришини ташкил этиш

I Боб. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бизнес-режалаштиришнинг мазмуни ва вазифалари

1.1. Фаннинг объекти, предмети ва ўрганиш услубиёти

Ҳар қандай илмий курс (фан) ўзининг ўрганиш объектига эга бўлади. Шундай объектнинг мавжудлиги – у ёки бу фаннинг туғилиши, шаклланиши ва ривожланишининг замони ва муқим шартидир. Шу сабабли ўрганилаётган фаннинг ўрганиш объекти билан танишиш унинг предмети аниқлашдан аввал амалга оширилади. Маълумки, фаннинг объекти унинг предмети ҳақида амалга ошишини кўрсатади.

Шу боисдан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бизнес-режалаштириш фанининг **ўрганиш объекти** бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритаётган мулкдан қатъий назар барча иқтисодиёт субъектлари ҳисобланади, ушбу ҳолатда эса фаннинг ўрганиш **объекти** – бу пахта тозалаш саноати корхоналаридир.

Корхона фаолиятини илмий асосда оқилона ташкил этиш ва режалаштириш учун, аниқлаш бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритиш учун умумий иқтисодий қонунларни чуқур билиш, барча қонун ва қоидаларидан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бизнес-режалаштиришнинг замонавий усулларида кенг фойдаланиш зарур. Иқтисодий жараёнлар ва қодисалар умуман микро (корхона, хонадон) ва макро (халқ ҳўжалиги, миллий иқтисодиёт) даражаларда қараб чиқилади. Иқтисодий муносабатлар ўз қилича эмас, балки кишиларнинг манфаатларига

тадбишан таълил этилади, кишиларнинг иқтисодий сарф-харажатларининг асл сабаблари очиб берилади.

Иқтисодийни ўрганишда илмий тушунчалар шаклланган ва улар ёрдамида иқтисодий қонунларнинг мазмуни очиб берилади. Бундай билимларни бизга иқтисодий билимларнинг асосийси – **иқтисодий назария** фани ўргатади.

Ушбу фан жамият миқёсида юз берадиган иқтисодий қонунлар ва воқеалар, жараёнлар, уларга хос бўлган қонунлар, уларнинг қонун-қоидалари ва кишилар фаолиятида намоён бўлиш шакллари ўрганиш фандир. Лекин, иқтисодий назария ижтимоий ишлаб чиқаришнинг айрим соҳалари, тармоқлари ва корхоналарида рўй берадиган қонунлар, воқеалар ва қонунларни ўрганмайди. Бу билан тармоқлар ва корхоналар иқтисодий фанлари шуғулланади.

Шунинг учун пахта тозалаш саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бизнес-режалаштириш фани ушбу тармоқ корхоналари хўжалик юритиш фаолияти ва технологик жараёнлар хусусиятларини ўсиб олган улар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва фаолиятини режалаштиришнинг мазмуни, молия ва таъминотларини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Қандай фан ўз предметига эга бўлади. **Предмет** - бу фан нима билан шуғулланиши, унинг қайси соҳага тегишли эканлигини белгилайди. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бизнес-режалаштириш фанининг ҳам ўз предмети мавжуд. «Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бизнес-режа» фанининг **предмети деганда** корхоналарнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти шароитида иқтисодий қонунларнинг қаракати ва намоён бўлиш шакллари ва энг кам меънат, моддий ва маънавий харажатлар билан энг яхши натижаларга эришишни таъминловчи юриси самарали иш усуллари ишлаб чиқиш тушунилади.

Пахта тозалаш саноати корхоналарда ишни ташкил этиш фани иқтисодий қонунларнинг ушбу тармоқ корхоналари фаолиятига таъсирини ва

уларнинг олдига ўйган вазифаларини амалга ошириш борасидаги энг самарали усулларини ишлаб чиқиб, уни саноатга тадбиқ қилмоқда. Бу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда ижтимоий бойликни кўпайтириш ва корхоналарда ишчиларга яхши шароитлар яратиб беришга имконият яратади.

Фаннинг **усули** деганда том маънода ўзининг предметини ўрганиш воситаси тушунилади. Фаннинг энг асосий билиш услуби – *диалектик* услуб бўлиб, у фанга ўрганилаётган ижтимоий-иқтисодий қодисаларнинг мўиятини очиб беришга ёрдам беради. Бу назарияга биноан қодисалар ва воқеликлар ўзаро алоқадорликда, бир-бирни таъсирга олиш, макон ва замонда уларнинг ўзгариши ва ривожланишида эскилик билан янгилик курашида кўриб чиқилади.

Диалектика усули муаммолар ўрганилаётганда омиллар ва шарт-шароитларнинг намоён бўлиши ва юз бериши зиддиятларига, қарама-қаршиликларга бой эканлигини инобатга олишни таъсирга олишга ётади. Бозор иқтисодиётида иқтисодий қодиса ва жарёнлар тез ўзгарувчан қиёфа касб этадики, қар бир ишлаб чиқариш субъекти ушбу ўзгаришларга мосланувчан бўлмоқи талаб этилади. Ўзгаришларга мослашишда ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш ва бизнес-режани тўри тузиш лозим бўлади. Бу борада диалектика усулларида фойдаланиш шуни англатадики, корхона хўжалик фаолиятини ўрганиш асосида унинг ишини ташкил этиш ва фаолиятини режалаштириш барча ўзаро алоқаларни қисобга олган ҳолда олиб борилиши лозим.

Ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бизнес-режалаштиришда сабабий алоқаларни ўрганиш **индукция ва дедукция** усуллари ёрдамида амалга оширилади. Сабабий алоқаларни тадқиқ этишда мантиқий *индукция* усулини қўллашда тадқиқот хусусийдан умумийликка, хусусий омилларни ўрганишдан умумийлик сари, сабабдан натижа сари олиб борилади. *Дедукция* – бу шундай тадқиқот олиб бориш усулики, бунда тадқиқот жараёни умумий омиллардан хусусийлари, натижадан сабаб сари олиб борилади. Ушбу иккала

усул ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бизнес-режалаштириш жараёнида биргаликда олиб борилади.

Ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бизнес-режалаштиришда диалектика усулларида фойдаланиш шуни англатадики, ҳар бир жараён, ҳар бир иқтисодий вадисани тизимли кўринишда, қўплаб элементлар йиғиндиси ва ўзаро алоқадорлиги шаклида ҳараш лозим бўлади.

Шундай қилиб, ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бизнес-режалаштириш **усули** – бу корхона самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида чегараланган ресурслар доирасида ишлаб чиқаришни оқилона самарали ташкил этиш ва унинг фаолиятини махсус усуллар ёрдамида режалаштиришдир.

Ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бизнес-режалаштириш усули бир ҳаттор аналитик тадқиқотлар услубиётига асосан намоён бўлади. **Услубиёт** деганда тадқиқот ёки билиш, англаш йўли, воқеликни амалий ва назарий ўзлаштириш усулларининг мажмуаси тушунилади. *Ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бизнес-режалаштиришда* услубиёт ўзида олдига қўйилган мақсадга эришишда ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бизнес-режалаштиришда қўлланиладиган усул ва вадидалар мажмуасини мужассам этади.

Тақлилнинг ҳар қандай услубиёти аналитик тадқиқотларни бажариш учун кўрсатма ёки услубий маслаҳатлар беришни назарда тутати.

У ўзида қуйидагиларни мужассам этади:

- ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бизнес-режалаштириш вазифаси ва мақсадини шакллантириш;
- ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бизнес-режалаштириш объектини;
- бизнес-режалаштиришда фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизими;
- аналитик тадқиқот олиб бориш тартиби ва даврийлиги бўйича маслаҳатларни;
- ўрганилаётган объектларни тадқиқ этиш усуллари ва услублари тавсифини;

- ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бизнес-режалаштириш муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўладиган маълумот манбаларини;
- ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бизнес-режалаштиришни ташкил этиш бўйича кўрсатмаларни (тадқиқот алоқида қисмларини қайси бўлимлар ва Ким олиб боришини);
- маълумотларни аналитик қайта ишлашда фойдаланиладиган техник восита турларини;
- ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бизнес-режалаштириш натижаларини расмийлаштириш шартжатларини;
- бизнес-режадан фойдаланувчиларини.

Ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бизнес-режалаштиришда қар хил услублар қўлланилади. Улар ўртасидан **анъанавий мантиқий услубларни** ажратиб кўрсатиш мумкин. Ўрганишнинг мантиқий усули қуйидаги ёндашишларда ўз аксини топади: режали халқ хўжалиги нуқтаи назариядан: тармоқлараро, тизимли, комплекс ва муқобиллаштириш. Улар жумласига тақослаш, график, гуруҳлаш, мушоадага асосланиб иқтисодий масалаларни эвристик усул ёрдамида ечиш, экспертлар баёси ва бошқалар киради.

Намунавий усул ўз мазмунига биноан маълум билим, маслаҳат, тавсиялар берадиган тажрибани умумлаштиришни билдиради.

1.2. Фаннинг мазмуни ва унинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Ушбу фан ўз мазмуни моҳиятига кўра жуда кўп қиррали ва у ишлаб чиқариш жамоаси қайётининг кўпгина соҳаларини қамраб олади. Мазкур фаннинг предмети, объекти, мақсади, вазифалари, ўрганиш усуллари моддий бойликларни яратишда хўжалик бошқаруви жараёнида юзага келадиган вазифалар таркиби билан белгиланади ва курснинг дастурида тўла акс эттирилган.

Бу фан бир ʔатор фанлар билан ўзаро алоʔада бўлиб, уларнинг ютуʔларидан кенг фойдаланади. Жумладан, фалсафа, иʔтисодиёт назарияси, корхона иʔтисодиёти, макроиʔтисодиёт, миʔроиктисодиёт, статистика, менежмент, маркетинг, бухгалтерия ʔисоби ва хўжалик фаолиятини ташкил этиш, молия ва кредит, технология фанлари билан узвий боʔлангандир.

Ушбу фан, энг аввало, иʔтисодиёт назарияси ва тармоʔ иʔтисодиёти фанлари ривожланиши натижасида шаклланган. Бу фан техник фанлар билан ʔам ўзаро боʔлиқдир. Ишлаб чиʔаришни ташкил этиш фани техника ва технологияни бевосита ўрганмасада, унинг иʔтисодиётига таъсирини четлаб ўтолмайди, аксинча, технологик жараёнларни хом-ашё, материаллар билан таъминлаш, энергиядан оʔилона фойдаланиш, маʔсулот ишлаб чиʔариш даврини ʔисʔартириш, иш жараёнини узлуксиз ишлаб чиʔариш оʔимида ташкил этиш, маʔсулот сифатини оширишга эришиш орʔали мухандислик иʔтисодий нуʔтаи назаридан кўриб чиʔади.

Механика циклига тегишли фанлар машина ва агрегатларни конструкциялаш ва техникавий эксплуатация ʔилиш масалаларини ўрганади. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш фани меҳнат ʔуролларини технологик ва меʔнат жараёнлари билан ўзаро боʔлиʔлиқда кўриб чиʔади, машина ва ускуналарни жой-жойига тўри ʔўйиш ва улардан оʔилона фойдаланиш, жиʔозлар бирлигидан маʔсулот олишни кўпайтириш, созлаш тизимини яхши ташкил этишни таъминлайди.

Шундай ʔилиб, бу фан жуда кўплаб илмий фанлар билан узвий алоʔадордир. Лекин улар билан туташиб кетмайди ва мустаʔил соʔа масалаларини ўрганади.

1.3. Фаннинг вазифалари

ʔар ʔандай фаннинг ўз вазифаси бўлганидек, ушбу фаннинг ʔам маʔсад ва вазифалари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси омуסי ва абул илинган онунлар ва
 ўкумат арорлари асосида курснинг *вазифалари* ўйидагилардан иборат:

- пахта тозалаш саноати корхоналарида жонли ва буюмлашган меънат тузилишини яхлит ва ягона амда ижтимоий-иқтисодий муносабатларини шакллантиришнинг асоси деб биламиз;
- пахта тозалаш саноати корхоналарида ишлаб чиқариш тизимининг ўзгариш шакллари ва йўллари, ишлаб чиқариш фаолиятининг маъсад ва вазифалари, уларни амалга ошириш йўллари ва баҳолаш мезонларини ўрганиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг молияти, ақамияти, мазмунини, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш, пахта тозалаш корхоналарининг инфратузилмасини, меънат ва унга берадиган тўлашнинг назарий ва амалий масалаларини ўрганиш;
- иқтисодий ислохотларини амалга ошириш шароитида корхоналарда бошқаришни, айланиш ва иқтисодий бошқаришни режалаштириш, баҳолаш, молиялаш, кредитлаш муаммоларини ечишни ўрганиш.

Таянч иборалар: предмет, объект, субъект, вазифа, ишлаб чиқаришни таъкил этиш, бизнес-режа, усул ва услубиёт, диалектика, дедукция ва индукция.

Ўз-ўзини текшириш ва назорат □ **илиш учун саволлар:**

1. Фаннинг ўрганиш объектини айтинг?
2. Фаннинг предмети деб нимани тушунаси?
3. Бу фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлигини тушунтириб беринг?
4. Фанни ўрганиш усуллари айтинг?
5. Диалектика усулининг мавзиси нимадан иборат?
6. Дедукция усулини тушунтириб беринг?
7. Индукция усулини тушунтириб беринг?

8. Мантийий усулларга қандай усуллар киради?
9. Фаннинг маъсади нималардан иборат?
10. Фаннинг асосий вазифаларини санаб ўтинг?

II Боб. Пахта саноати ривожланиши

2.1. Пахта ва уни қайта ишлашдан олинadиган маъсулотлар

Ўзга жуда бебаҳо техника экиндир. Пахтадан 1200 хилгача кенг истеъмол моллари олинади, бир тонна пахта хом-ашёси қайта ишланганда ундан 320-350 кг тола, 10 кг. моми, 580-620 кг. чигит олинади, ўз навбатида бу читидан 112 кг. мой, 225 кг. қунжара, 175 кг. шулха, 10 кг. совун, 35 кг. линт, 30 кг. тук (делинт) ишлаб чиқарилади. Пахта тозалаш заводларида пахта толасининг узунлиги асосан 20 мм. дан ошадиган толага, 20 мм. дан ошма моми (линт) ва 5 мм. дан ками эса тук – делинт сифатида ажратилади. Пахта ёни озиқ-овқат маъсулоти сифатида жуда қадрланади. Ундан совун пиширишда, алиф, лак-эмаль ва бошқа хил буюмлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Ўзга тупидан 100 дан ортиқ бирикмалар олинади. Таркибида 20 хил органик кислоталар бўлган ўзга баргларида энг қимматли лимон ва олма кислоталари тайёрланади. Ўзга сиротидан фитин ва озиқ-овқат оқсилли ажратилади. Бу оқсилдан нон ёпишда унга ўшиш, бошқа озуқабоп маъсулотларни бойитишда фойдаланилади. Ўзгаоялар целлюлоза ишлаб чиқариш, прессланган қоғоз ва картон тайёрлаш учун хом ашё қисобланади.

Пахта хом-ашёси умумдавлат миёсида қалла, ёнилқи, металл қаторида туради, пахта ва ундан олинadиган маъсулотлардан фойдаланилмайдиган бирорта саноат тармоқи учрамайди.

Пахтадан ишланган маъсулотларнинг нархи тола нархига нисбатан барқарорроқ ва юзориқ бўлгани сабабли маъсулот экспортига эътибор бериш маъсадга мувофиқ. Толанинг нархи жапон бозорида кескин ўзгариб туради. Ўзбекистон ва бошқа МДҲ мамлакатларида пахта экспорти хом-ашё қўринишига эга. Масалан, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган толанинг 1/4 қисмигина мамлакатнинг ўзида қайта ишланади. Қозирги вақтда республика вилоятларида пахтани қайта ишлаш учун янги қувиқлар яратилипти. Яқин 10-15 йил ичида қамма толани ўзимизда қайта ишлаш учун имкониятлар излаб топилиши зарур. Етакчи иқтисодчи-изланувчиларнинг эътиборини қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришини давлат томонидан бошқариш асослари муаммосига қаратиш керак, жумладан, қишлоқ хўжалиқ маъсулотлари етиштирувчиларни, қамда пахта етиштирувчиларни юзори даромад билан таъминлаш. Масалан, АҚШ, Хитой, Покистон, Туркия, Мисрда бу каби муаммоларга жиддий эътибор қаратилган.

2.2. Ўзбекистон Республикасида пахтачилик ривожланиши қозирги қолати ва истиқболлари

Марказий Осиё минтақасининг марказида жойлашган Ўзбекистон Республикасида қулай иқлим шароитининг мавжудлиги пахта мажмуасини ташкил этиш ва ривожлантиришда муқим ақамият касб этади. Қозирги вақтда пахта мажмуаси республикада фаолият қўрсатаётган тўқимачилик, ёқ-мой, озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқлар иқтисодиётининг бошқа соқаларининг ишлаши учун асосий база бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг регионда пахта анъанавий қишлоқ хўжалиги экини бўлиб, уни етиштириш ва қайта ишлаш бўйича бой тажриба тўпланган. Соқа қучли моддий-техника базасига ва илмий-техника салоқиятига эга, илмий-тадқиқот, лойиқалаш ва конструкторлик ташкилотлар томонидан соқани ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилган.

Қозирги кунда республиканинг етук тармоқларидан бири пахта

тозалаш ва  айта ишлаш саноатини мувофи лаштириб турувчи тузилма «Ўзпахтасаноат» республика  иссадорлик уюшмаси  исобланади.

Ушбу уюшма Президентимиз Ислон Каримовнинг мамлакатимиз пахта тозалаш саноатида и тисодий исло атларни янада чу урлаштиришга  аратилган 2001 йил 11 июндаги фармони ва  укуматимизнинг шу  а даги  арорига мувофи  ташкил этилган.

2001 йилдан бошлаб  удудий вилоят акциядорлик бирлашмаларига контрактация шартномаларини бажариш, шунингдек экспортга ва ички бозорга пахта ма сулотларини етказиб бериш бўйича янги шартномалар тузиш ва ижросини та минлаш, хўжаликларга ажратадиган мабла лардан ма садли фойдаланиш, тай рланган ва  айта ишланган пахта ми дорига биноан улар билан якуний хисоб-китоб ўтказишни назорат  илиш вазифаси юклатилган.

 озирги кун статистик ма лумотларига кўра, тармо да 107 та пахта тозалаш заводи ва 570 тага я ин пахта тай рлаш масканлари, 14 та тажриба-механика заводлари, хал  исте моли товарлари ишлаб чи арувчи 106 та корхона фаолият олиб бормо да. Ушбу хўжалик субъектлари республикада етиштирилаётган,  айта ишланадиган ва экспорт  илинадиган пахта ма сулотларига бевосита ва билвосита хизмат  илиб турибди¹.

Ўзбекистон Республикаси жа онда пахта толаси ишлаб чи ариш бўйича бешинчи ва тола экспорти бўйича иккинчи ўринда туради. Пахта толаси етиштириш ва экспорт  илиш  ажмларини мунтазам са лаб туриш сиёсати амалга оширилмо да. Осиё пахта толаси исте молчилар бозорида ва умуман жа он пахта толаси савдосида минта авий бар арорлик учун асос яратади.

Давлат стратегияси ма аллий тў имачилик ишлаб чи аришида пахта толасидан фойдаланиш усулини кўпайтириш; глобал ми ёсида пахта

¹ Армедов Д. . Эффективность функционирования хлопководства Узбекистана. – Т.:ГФНТИ, 1994.

истеъмолини йўллаб-йувватлаш; бу соҳадаги янги технологияларни ривожлантириш; пахта хом-ашёсини етиштириш харажатларини пасайтириш; техник ва малакали ихтисосликларини ошириш йўлларини излаш каби йўналишларга қаратилган.

Пахта толасининг ишлаб чиқариш қажмининг истиқболида ривожлантиришни таъминлаш илмий ва самарали тадбирлар қисобига, яъни экстенсив эмас, балки интенсив йўл билан амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Интенсив тадбирлар сирасига: сифатли уруқлик чигити қисобига қосилдорликни ошириш; тола чиқилишини кўпайтириш бугунги кунда қониқарли эмас. Олинаётган пахта толасининг асосий қисми қанузгача хорижга хом-ашё сифатида экспорт қилинмоқда. Вақоланки, уни чуқур қайта ишлаб тайёр мақсулот қолига келтириб, шундан кейин экспорт қилинса анчагина валюта тушуми кўпайиши таъминланган бўлар эди. Бу борада Президент И.А. Каримов шундай дейди: «Шуни унутмаслик зарурки, бугунги кунда пахта хом-ашёсининг қаҳат 25 қоизигина ўзимизда қайта ишланмоқда ва тайёр мақсулотга айлантирилмоқда.

Қисоб-қитоблар шуни кўрсатмоқдаки, пахта толаси узлуксиз ва қар томонлама сифатли қайта ишланиб, ундан олинadиган даромад 6-7 баробар ортиши мумкин»².

Бундан кўринадики, пахта толасига ўзимизнинг республикамызда узлуксиз чуқур ишлов берилиб, тайёр мақсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, экспорт салоқиятимиз ошиши билан бир қаторда, ижтимоий муаммоларни қам бартараф этишга имконият туқилади. Жумладан, пахта хом-ашёсини қайта ишлаш орқали олинadиган пахта толасини қийинги технология босқичларида қайта ишлайдиган тўқимачилик қорхоналари қурилиши қисобига янги иш жойларини яратиш мумкин. Бу эса ўз навбатида, юқори даромадга эга булган жисмоний шахслар ва ақоли қатламининг

² Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсақасида: хавфсизликка тақдид, барқарорлик шартлари ва тараққийёт қафолатлари”.-Т.: Ўзбекистон, 1997.

шаклланишига олиб келади ва халқ фаровонлиги ошишини таъминлайди.

Республика томонидан 1993 йилда қабул қилиниб, 2001 йилгача амал қилган пахта толаси сифатининг янги таснифи ва меъёрлари (ЎзР РСТ 604-93 «Пахта толаси. Техник шартлар») пахта толаси универсал халқ аро таснифига яқинлаштирилган бўлиб, халқ аро уюшмалар ва жаҳоннинг етакчи пахта компаниялари томонидан тан олинган.

2001 йилда пахта толасининг халқ аро бозорида амал қилинган баҳолаш усуллари қисобга олган ҳолда мазкур стандарт янада такомиллаштирилиб, қайта ишланган ҳолда 2001 йил қосилидан қучга қирган Ўзбекистон Давлат стандарти О'z Dst 604:2001 «Пахта толаси. Техникавий шартлар» қабул қилинди ва амалга тадбиқ этилди.

Жаҳон пахта бозорида мамлакатимиз мавқеини мустақамлаш ва толанинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида республика стандартлари халқ аро талабларига яқинлаштирилди. 1993 йилдан бошлаб толанинг ташқи қўриниши эталонлари Ливерпул ва Бремен пахта биржаларида рўйхатга олинмоқда.

Бу эса хорижий фирмаларга пахтаимиз сифатига қувонқ бўлиш ва ўзаро муносабатларни ўрнатиш имкониятларини бермоқда. Қўкуватимиз қарорига мувофиқ пахта толасини экспортга қиқаришни жадаллаштириш мақсадида дастлаб Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида пахта терминаллари фаолият қўрсатган бўлса, кейинчалик республикаимизнинг барча вилоятларида бундай терминаллар самарали фаолият қўритмоқда.. Тола учун ҳақ терминал омборининг маълумотномаси бўйича шу зақотиёқ тўланади. Бунда хорижий фирма вакилларининг ўзида пахта толани қабул қилиши ва сақлаши ҳамда саралаш мумин.

Демак, республика пахтачилиги ўз ривожининг бутунлай янги босқичига ўтмоқда, бунда унинг ривожланишида муқим аҳамиятга эга бўлган бир қатор ҳал қилувчи омилларни қайд қилиб ўтиш зарур. Биринчи навбатда бу селекция ва уруқчилик масалаларидир. Амалиёт шуни қўрсатадики, фақат янги илқор навни жорий этиш қисобидангина қўшимча харажатларсиз 20%

миёдорда ўқимча оқил олиш мумкин экан. Шунинг учун етакчи пахтачилик мамлакатларида селекция ва уруқчиликка устун даражада аҳамият берилади.

Жапон пахтачилигини - устивор йўналишлари бўйича селекция ишларини олиб бориш ўсимликшунослик, хусусан пахтачилик билан шуғулланадиган илмий муассасаларнинг моддий-техника базасини яратиш, уларни ҳам илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда, ҳам ишлаб чиқаришга зарур бўлган АШ СПИНЛАБи каби замонавий приборлар тўплами билан жиёқлашни талаб этади.

Шу билан бирга, қўплаб чет эл мамлакатларида кенг ўқланиладиган селекциянинг янги усуллари, хусусан ирсий материалига бошқа авлод ва типга оид айрим генларни киритиш, ўсимликларнинг эметик аппаратини мақсадли ўзгартириш имконини беради. Масалан, АШДа муандислик ёрдамида пахтанинг турини ўйшлоқ хўжалиги зараркунандаларига бардошли эрта пишар навлар яратилди. Ўсиш регуляторлари ва бошқа илор усуллардан фойдаланиб, олимлар атроф муитга таъсир қилишлари ва толанинг чиқиши, сифати ва бир хиллигини яхшилашлари мумкин.

Ўзбекистонда пахта хом-ашёси етиштириш ва айта ишлашдан олинган тола миёдори қандаги маълумотлар 2.1-жадвалда келтирилган.

2.1-жадвал

1999-2005 йиллар Ўзбекистон Республикасида пахта хом-ашёси етиштириш ва тола ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичлари*

Кўрсаткич-лар	Бир-лик	Йиллар					
		2001	2002	2003	2004	2005	2006
Пахта экиладиган майдон.	Минг га.	1392,1	1421,4	1393,3	1456,3	1472,3	1447,6

Ялпи терим	Минг.т.	3265,0	3163,0	2822,0	3537,0	3285,8	3108,7
□ осилдорлик	Ц/га	23,45	22,25	20,25	24,28	22,32	21,47
Тола ишлаб чи□ариш	Минг.т.	1004	993	930	963	1187,8	1171,2
Тола чи□иши	%	32,43	32,4	33,31	32,73	36,15	37,67

*«Ўзпахтасаноат» □ У маълумотлари асосида тузилган.

Маълумотлар шуни кўрсатдики, пахта хом-ашёсини етиштиришга ажратилган майдонлар ўзгаришсиз бўлиб, 1500 минг га.ни ташкил этган. Ўрганилаётган даврда интенсив омил саналган □ осилдорлик даражаси ўзгариб туриши кузатилади ва энг ю□ори натижага 1999 йилда эришилган, шунинг натижасида ялпи терим □ ам айнан шу йилда энг ю□ори бўлиб, 3600 минг тоннани ташкил этган. □ осилдорликни гектарига 1 центнерга ошириш □ўшимча 15 минг тонна хом-ашё етиштириш имконини беради. Бу кўрсаткичларга жиддий эътибор бериш лозим.

Пахта хом-ашёсига □ айта ишлов берилганда ундан олинадиган асосий ма□сулот бу пахта толасидир. Пахта толаси ишлаб чи□ариш ми□дори ўрганилаётган даврда базис йилга нисбатан жорий йилда 14,5% га камайиб, 2005 йилда **980** минг тоннани ташкил этган. Тола чи□иши эса энг ю□ори даражага 2003 йилда эришилган бўлиб, 33,31% ни ташкил этган.

Жа□он бўйича пахта толаси етиштиришда Ўзбекистон 5 та етакчи мамлакат □аторига киради. Экспортга тола чи□ариш □ажми бўйича эса А□Шдан кейинги иккинчи ўринни эгаллайди. Лекин, ишлаб чи□арилган пахта таннархининг пастлигини □исобга оладиган бўлсак, улар учун, жа□он бозорига пахта етказиб бериш иктисодий жихдтдан фойдали хисобланади. Хитой, Покистон, □индистон каби етакчи давлатлар эса ўз пахтасини ўзлари □ айта ишлайдилар.

А□Ш ўз пахтасининг учдан бирини четга чи□аради. Ўзбекистон эса □озирги ва□тда жaxon бозорига ўзи етиштирадиган пахта толасининг 70-75%

га яшнини етказиб беради. Республика шукуматининг куч-қайрати билан келажакда мамлакатимизда олинадиган пахта толасидан якуний масулот ишлаб чиқариш, якин келажакда унинг 50 % ини ўзимизда қайта ишлаб, жапон бозорига тайёр тўқимачилик масулотларини етказиб беришда тўлароқ имкониятлардан фойдаланиш мақсадида тўқимачилик масулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича амалий ишлар қилинмоқда.

Пахта ва ундан олинадиган тўқимачилик масулотларини ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан шуғулланадиган рақибар ва мутахассислар пахта толаси ва тўқимачилик масулотига бўлган жапон бозорининг талаблари ва ўзига хос хусусиятларини ўзлаштиришлари доимо конъюнктура вазиятлари ва нархлари даражасидан ўз вақтида хабардор бўлишлари, пахта масулотига бўлган эhtiёжнинг кутилиши мумкин бўлган пасайишларига тайёр туришлари, бу жараёнларни тўғри қўра олишлари ва ишлаб чиқаришни рақибобатлаштириш йўллари излаб топишлари зарур.

2.3. Жапонда пахта толаси ишлаб чиқариш ва истеъмоли

Пахта хом-ашёси дунёнинг беш қитъасида – Осиё, Америка, Австралия, Африка ва Европа қудудидаги 90 та мамлакатда етиштирилиб, у жапоннинг 100 дан ортиқ мамлакатида истеъмол қилинади. Ўзбекистонда етиштириладиган шимолий қудуд шу кенгликнинг 38-47⁰ параллели (Қорақўлпоғистон)дан, жанубий чегараси 35⁰ параллели (Австралия)дан ўтади. Ер юзида 90 дан ортиқ мамлакатларда пахта етиштирилса, 110 дан ортиқ мамлакатлар уни тўғридан-тўғри истеъмол қилади.


Дунё бўйича пахта билан боғлиқ масалалар ICAC (International Cotton Advisory Committee) – Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси томонидан қал этилади. Мазкур халқаро ташкилот пахтани ишлаб чиқариш, экспорт ва импорт қилиш қамда уни истеъмол қилиш борасидаги қамкорликни мутақамлаш бўйича фаолият юритади. Қозирги вақтга 42 та давлат

аъзодир. Ўўмита мажлиси бир йилда бир марта ўтказилиб, унинг материаллари эълон бўилиб борилади.

Бугунги кунда жаўнда пахта экиладиган майдон 33,5 – 34,0 млн. гектарни ташкил бўилад, бу кўрсаткич жаўон агросаноат хўжалиги майдонининг 2 фоизига тенгдир. Сўнгги йилларда ўар йили ишлаб чиўариладиган пахта толаси 14,0 – 20,0 млн. тоннани ташкил этади, бу умуман олганда барўарор бўлиб турибди. Йиллик ўсиш бозор конъюктурасига ўараб 1,1 млн. той (225 – 235 минг тонна)ни ташкил бўилад.

Шимолий минтаўа мамлакатлари улушига бутун жаўнда етиштириладиган пахтанинг 80 – 85 фоизи тўўри келади. Мазкур минтаўада пахта етиштирувчи етакли мамлакатлар - Аф Ш, Хитой, ўиндистон, Покистон ва ўзбекистон бўлиб, улар ўиссасига умумий етиштириладиган пахта толасининг 75 фоизга яўини тўўри келади.

Жаўнда узоў йиллар мобайнида пахта етиштиришда Аф Ш ва собиў иттифоў етакчи – продукт ўисобланган бўлса, сўнгги йилларда Хитой биринчи ўринга чиўиб олди (2.1- расм).




Манба: муаллиф томонидан Cotton World Statistics, ICAC, avgust, 2006 асосида тузилган.

2.1 – расм. Жаўоннинг етакчи мамлкатларида пахта толаси ишлаб чиўариш динамикаси, млн. т.

100 дан ортиқ мамлакатларда пахта толаси истеъмол қилинади, бироқ ундан қарбий Европа, Осиёда кўпроқ фойдаланилади. Уни истеъмол қиладиган йирик мамлакатлар қарбий Европада, шунингдек, Япония, Жанубий Корея, Гонконг, Тайвань каби мамлакатлар қисобланади. Истеъмол қиладиган тўқимачилик толалари орасида пахта толаси 49 %ни ташкил қилади.

Пахтани қайта ишлаш бўйича Осиё биринчи ўринда (63-65%), ундан кейинда Америка (19-20%), Европа (7-8%), Африка қитғалар (4-5%) туради (2.2-расм).



2.2-расм. Пахтани қайта ишлаш бўйича қитғаларда тақсимланиши.

Мамлакатлар бўйича ўринлар тақил натижаларида қуйидагича тақимланган: ХХР – 4,6-4,7 млн.тонна; АКШ – 2,3 млн. тонна; Индистон – 2,0-2,1 млн.тонна; Покистон – 1,5 млн.тонна; БРАЗИЛИЯ – 0,8 млн.тонна; Япония – 0,5-0,7 млн.тонна. Пахта толасини қайта ишлаш кейинги йилларда Жанубий Карей, Тайвань, Индонезия, Тайландда яхши ривожланмоқда. Бу мамлакатларда тўқимачилик масулотларини жапон бозорига сотишдан

келадиган валюта тушумлари ошганлиги сабабли улар кўпроқ пахта толасини сотиб олиб, уни қайта ишлашга қаратиб қўйилмоқдалар. Бу мамлакатларда тўқимачилик саноати ривожланишига жиддий эътибор қaratилмоқда.

2.2- жадвалга мавсумлар бўйича жапон пахта толаси бозоридаги қолат ривожланиши акс этирилган. Маълумотларни тақлил қилиш шуни кўрсатадики, 1990/91 қосил йилидан қаралганда 2005/2006 мавсум йилида пахта толаси етиштириш 3,68 млн. тоннага ошган. Шу билан биргаликда баъзи мавсумларда: 1991/92, 1995/96, 1996/97, 1997/98, 2001/02, 2004/05 мавсумларда ошганлиги кузатилса, 1992/93, 1993/94, 1994/95, 1998/99 йиллар мавсумларида камайиши рўй берган.

2.2 – жадвал

Мавсумлар бўйича пахта толаси бозори ривожланиши қолати*

Мавсумлар	Тола ишлаб чиқариш, млн.тоннада	Тола истеъмоли, млн.тоннада	Тола ишлаб чиқариш ва истеъмоли баланси, млн.тоннада	Мавсум охиридаги қолдиқ, млн.тоннада	Истеъмолга нисбатан қолдиқнинг нисбати, %да
2000/01	19,28	20,04	-0,76	8,48	42,3
2001/02	21,15	19,78	+1,37	9,95	50,3
2002/03	19,48	20,22	-0,74	8,59	42,5
2003/04	20,66	21,28	-0,62	7,80	36,6
2004/05	25,21	22,67	+2,54	10,34	45,6
2005/06	22,86	23,09	-0,23	10,11	43,8

Манба: [http: //www.pxc.ru/](http://www.pxc.ru/).

Сўнгги йилларда пахта толасига жапон бозоридаги талаб тақлифдан ошганлиги кўзатилади. Тақлил натижалари шуни кўрсатадики, бу кўрсаткич

1993/94 мавсум йилида 1,92 млн.тоннани ташкил этиб, юлори кўрсаткич
қисобланган бўлса, 2005/06 мавсумда эса жалон бозори истеъмолида пахта
толеси етишмаслиги 0,23 млн.тоннани ташкил этган.

Таянч иборалар: *пахта хом-ашёси, пахта толеси, пахта чигити, моми, селекция ва уруқчилик, СПИНЛАБ, талаб ва таклиф, бозор конъюктураси, пахта толеси экспорти, пахта толеси импорт.*

Ўз-ўзини текшириш ва назорат қилиш учун саволлар:

1. Пахта хом-ашёсини қайта ишлашдан қандай маълумотлар олинади?
2. Пахта баланси тушунчасини шарҳлаб беринг?
3. Пахта чигитидан қандай маълумотлар олинади?
4. Ўзбекистон Республикаси пахта етиштириш бўйича жалонда нечанчи ўринни эгаллайди?
5. Ўзбекистон Республикаси пахта толасини экспорт қилиш бўйича жалонда нечанчи ўринни эгаллайди?
6. Ўзбекистон Республикасида пахта уруқчилиги ва селекция масаласи қандай йўлга қўйилган?
7. Жалонда пахта етиштириш билан қанча мамлакат шуғулланади?
8. Асосий пахта толеси етиштирувчи мамлакатларни санаб беринг?
9. Пахта толеси истеъмоли қитъалар бўйича қандай тақсимланган?

III Боб. Пахта тозалаш корхонасининг ишлаб

чиқариш тузилмаси

3.1. Бошқаришнинг ташкилий тизими ва унинг турлари

Бошқариш тўғрисидаги таълимот - бу *менежмент* қисобланади. Менежмент - инглизча сўз бўлиб, ўзбекча «бошқарув» маъносини ифодалайди. Илмий атамашуносликда «Менежмент» деганда шундай

ижтимоий – иқтисодий жараён тушуниладики, унинг натижасида ўз олдига қўйилган мақсадларга фирма ресурсларига рақобатлик қилиш орқали эришилади.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтиш шароитида бошқариш тизимида туб ислоҳатларни амалга ошириш талаб этилади. Шу боисдан, иқтисодий ислоҳатларни амалга оширишнинг дастлабки босқичлариданоқ бунга асосий эътибор қаратилди.

Бугунги кунда бу борада ақамиятга молик ишлар қилинди. Биринчи босқичда тоталитар тузумдан демократик тузумга, марказлаштирилган қайта тақсимлаш механизмидан бозор механизмига, қаттиқ маъмурий – буйруқбозликдан иқтисодий омиллар ва рақобатлантириш чоралари асосида ўзини-ўзи бошқаришга, ўзини-ўзи идора этишга ўтиш қийин бўлади. Бу босқичда бошқаришнинг аслида янги тизими вужудга келтирилди.

Ўзбекистонда бу борада тегишли тажриба йўқ эди ва қатто бирор бир ўхшаш ишлар қам бўлган эмас. Бозор муносабатлари таркиб топиб бўлган ва бу йўналишда эндигина дастлабки қадамларни ташлаётган мамлакатлардаги бошқарувни ташкил этишнинг турли тизимлари ўрганилди. Шу асосда бутун халқ хўжалигининг тармоқлар ва қудудларни бошқаришнинг энг мақбул ўз тизимлари ишлаб чиқилди.

Бошқарув соҳасидаги ислоҳатлар натижасида қўплаб бошқарув бўлинларининг вазифаси ўзгарди, янги бошқарув идоралари тузилди. Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг қолдиқлари, назорат қилувчи тизим ва унинг ижроси идоралари тугатилди. Олдинги тақсимот ишлари қамда уларни амалга оширувчи механизмларга рақам берилди.

Иқтисодий ислоҳатларни амалга оширишда бошқарув аппаратининг ўрни муқим ақамиятга эга. **Бошқарув аппаратининг тузилиши** деганда бошқарув аппарати ва улар орасидаги боқланиш тушунилади.

Ташкилий тизим – бу бошқарув тизимининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб, бошқарувчи тизим, бошқарув субъекти ташкилий тузилишининг негизи сифатида юзага чиқди ва ходимлар билан

бошқаришни ташкил қилиш расмий ҳодаларини тартибга солади. Ана шунинг учун ҳам унинг бошқарув тизимидаги ўрни беҳиссидир.

Тизим идоралари алоқалар, босқичма-босқич бўйсунушлар (иерархия) мавжудлиги билан ажиралиб туради.

Идоралар бу тизимнинг таркибий қисмлари, бўлинларидир. Ҳар бир идора ўз қаракат доирасига эга. У мазкур идора машғул бўлган масалалар доирасини, унинг фаолият чегараларини, ваколатлари ва жавобгарлигини белгилайди.

Ушбу тизим ташқи ва ички омилларнинг таъсири остида таркиб топади. *Ташқи омиллар* ўртасида энг муҳими ишлаб чиқаришдир. Бошқарув тизими ишлаб чиқаришнинг техникавий, ижтимоий, руҳий хусусиятларига мос келиши керак.

Бошқарув маъсад ва услублари тизим учун ташқи омил қисобланади. Бошқарувнинг яна бир қатор таркибий қисмлари, масалан, ходимлар борки, улар тизимнинг ўзи билан белгиланади. Шу билан бирга улар ҳам ўз навбатида тизимга таъсир кўрсатади жумладан, етарли миқдорда малакали ходимларнинг мавжудлиги бошқарув тизимининг соддалаштирилишига имконини беради.

Тизимга бошқарув тизимларини шакллантириш қонуниятлари каби омиллар ҳам етарлича таъсир кўрсатади. Уларни **тамойиллар** деб ҳам аташ мумкин. *Маъсадли тамойил* тизимни шакллантиришда унинг маъсадлари билан алоқаси таъминланган бўлишини таъмин этади. Ҳар бир маъсад тизим доирасида «эғали» бўлиши зарур. Лекин ташкилий жиҳатдан ортиқчалик ҳам бошқарувнинг аниқ маъсадлари учун жавобгар бўлмаган ортиқча тизимли бўлинларнинг мавжудлиги ҳам маълум бул эмас.

Бошқарув тизимлариини шакллантиришнинг яна бир тамойили – бу *идора қилишнинг бирлигидир*. Ҳар бир идора битта раъбарга эга бўлиши ёки Ҳар бир масала бўйича битта бошлиқ бўлиши лозим.

Бошларув идораларини ўртасидаги алоқаларнинг турига қараб тизимларни қуйидаги учта турга ажратилади: мунтазам (лавозимли), вазифавий ва аралаш (комбинациялаш).

Энг содда тизимлар *мунтазам тизимлардир*. Уларда битта даражадаги идораларнинг қар бир гуруҳи идора қилиш қўламларига асосан юқори даражада ўзининг рақбарлик идорасига эга бўлади.

Иккинчи даражадаги идоралар гуруҳи, учинчи даражадаги рақбарлик бўлинига эга ва қоказо. Ушбу тизимда бошларувнинг барча масалалари битта канал орқали қал этилади. У жуда қам пухталики ва аниқликни вужудга келтиради.

Вазифавий тизимлар негизи ихтисослаштириш қоясига таянади. Бунда қар бир бўлинига муайян масалалар биркичиб қўйилади. Масалан, бир идора қисоб-китоб, иккинчиси технология, учинчиси маркетинг билан шуқилланади. қуқуқий доираларнинг чекланганлиги туфайли ихтисослаштирилган идора тамойилдан қабул қилинаётган қарорлар сифатини яхшилаш имкониятига эга. Лекин битта бўйсунувчи идорада бир қанча вазифавий рақбарларнинг мавжудлиги ўзига хос мураккабликни келтириб чиқаради.

Мунтазам ва вазифавий қийинчиликларга хос қийинчиликлардан холос бўлишда *аралаш (комбинациялаш)* тизимлар – мунтазам (штабли) ва чекланган вазифали аралаш тизимларнинг ақамияти каттадир.

Дастурли – мақсадли тизим аралаш тизимларнинг алоқида тури қисобланади. Бошларувнинг аниқ тизимини шакллантириш ижодий жараёндир. Бироқ тизимнинг илмий жихатдан ишлаб чиқилган намунавий шакллари қўлланилса бу ишларни янада осонлаштириш имконини беради.

Шу мазмунда бошларув идоранинг барча тизимли бўлинмалари асосий бешта гуруҳни бирлаштиради.

Биринчиси – бошларув объектларини идора қиладиган тизимли бўлинмалардир. Бунда асосий масала биринчидан идора қилиниш қўламини ошириб юбормаслик бўлса, иккинчи томондан унча қўп бўлмаган

объектларни рақбарлик қилиш учун жуда кичкина бўлинмалар ташкил этолмасликдан иборатдир.

Иккинчиси – асосий вазилавий тизимли (режали, қисоб ва назорат бўйича) бўлинмалар.

Учинчиси – маркетинг вазилавлари (таъминот, сотиш, фан-техника тараққиёти, молия).

Тўртинчиси – ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи бўлинмалар (идора, девонхона, архив ва бошқалар).

Бешинчиси – идора рақбарлиги, унинг ўринбосарлари, ассоциация, кенгаш ва бошқалар.

Тизимни такомиллаштириш–бошқарувни юқори босқичга кўтаришнинг муҳим имконидир.

3.2. Пахта тозалаш корхонасининг бошқарув тизими

Бугунги кунда барча пахта тозалаш корхоналари қиссадорлик жамиятлари саналади. Ушбу ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятига рақбарлик қилишни акциядорларнинг умумий йиқилиши қалқилади. Корхонани бевосита бошқариш рақбар (қиссадорлик жамияти раиси) зиммасига юкланади. Унга ёрдам бериш тариқасида таркибий бўлимлар, шўъбалар ва қозоналар ёки корхонани (ишлаб чиқаришни) бошқаришда қатнашувчи айрим ижрочилар қўринишида ишловчи ёрдамчи хизмат аппарати тузилади. Бошқарувнинг хизмат аппарати юқори унумли, самарали ва тартибли ишлаш учун барча шарт-шароитларни таъминлаши ва кам сонли бўлиши керак.

Пахта тозалаш корхоналарида цех тузилмаси бўлмаганлиги сабабли (қТЦ дан бошқача), бошқарувнинг асосий объекти – **ишлаб чиқариш бўлинмалари** бўлиб, уларда бригада ишчилари (пахта узатиш, толани пресслаш) ёки айрим ишчилар (жинчилар, момиқ ажиратувчилар ва

бошлар) фаолият юритади. Асосий ишлаб чиқаришга смена бошлиғи ёки смена устаси рақ барлик қилади.

Смена бошлиғи (уста) бевосита заводнинг бош муҳандисига бўйсунди. Пахта тозалаш корхонасининг бош муҳандиси бутун ишлаб чиқаришнинг техник жиҳатдан рақ барлигини амалга оширади.

Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар: омбор, лаборатория, транспорт хўжалиги тегишли рақ барлар ихтиёрида бўлиб, бевосита корхона рақ барига бўйсунди. Пахта саноати корхоналарининг қўпчилигидаги бошларув тузилмаси тахминан бир хил, фақат корхона ишлаб чиқариш хажмларига боғлиқ ҳолда бир қатор табақлаштирилади. 3.1-расмда пахта тозалаш корхонаси бошларув тузилмасининг тахминий шакли берилган.


3.3. Пахта тозалаш корхонаси бошларув тузилмасининг вазифалари

Корхона рақ барининг мажбуриятлари ва қўлуқлари ўз навбатида қонуний тартибга ва меъёрий актларга жавоб берадиган акциядорлар жамоасининг устави билан белгиланади. Корхона рақ бари унга ишлаб чиқариш ва молиявий-хўжалик фаолиятига рақ барлик қилиш юзасидан берилган қўлуқлар асосида қуйидагиларни таъминлаши лозим: ишлаб чиқариш қамда белгиланган номенклатура ва ассортиментда мақсулот етказиб бериш режаларини бажариш, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни жорий қилиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, мунтазам равишда меҳнат унумдорлигини ошириш ва мақсулот таннархини камайтириш, фойда миқдорини оширишни таъминлаш, корхонанинг давлат бюджети, мақсулот етказиб берувчилар ва истеъмолчилар олдидаги барча мажбуриятларни яхшилаш.

У ўз фаолиятида ягона рақ барлик тартибига риоя қилиб, мунтазам равишда ишлаб чиқариш кенгашларини ўтказиши, уларда ишлаб чиқариш

режалари, янги техникани жорий этиш режаларининг лойиҳаларини ва бошқа муҳим масалаларни муҳокама этиш керак.

Цехлар, бўлимлар, хизматлар, ишлаб чиқариш бўлинмалари, хўжаликлар ва бошқа таркибий бўлинмалар корхона раҳбари томонидан тасдиқланган Низомларга биноан фаолият кўрсатади.



3.1-расм. Пахта тозалаш заводи тузилмасининг тахминий шакли

Пахта тозалаш корхоналарининг раббари бош мухандис орқали ишлаб чиқариш-техника қисмига, тайёрлов бўлими бошлиғи орқали пахта тайёрлаш фаолиятига рабарлик қилади.

Бош мухандис пахта тозалаш корхонаси рабарининг биринчи ўринбосаридир. Унинг фаолият доирасига ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг жорий ва истиқболий режаларини белгилаш, ишлаб чиқаришга техник рабарлик, технология жараёнини янгилаш, ускуналар самарадорлигини ошириш ва маъсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқаришда меънатни ташкил этиш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш, корхонанинг материаллар, эътиёт қисмлар ва асбобларга эътиёжини аниқлаш ҳамда улардан фойдаланишни назорат қилиш киради.

Корхонанинг *бош механиги* вазифаси доирасига барча технологик ва энергетик ускуналарнинг, барча машина ва механизмларнинг тўхтовсиз ва унумли ишлашини таъминлаш киради. Унинг зиммасига қаракатдаги ускуналарни ўз вақтида сифатли таъмирлаш ва модернизациялаш ҳамда янги ускуналарни монтаж қилишни таъминлаш юкланади.

Бош механикка таъмирлаш-механика устaxonаси ва таъмирлаш бригадасининг бригадири бўйсunaди. Смена бошлиғи (устаси) тўла қўўли рабар ҳамда ишлаб чиқариш ва меънатнинг бевосита ташкилотчиси бўлиб, ўз бўлинида ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши учун жавоб беради.

Усталарга ишлаб чиқариш бўлинларида ишчиларни ишга қабул қилиш ва жой-жойига қўйиш, цех бошлиқининг (пахта тозалаш корхонасида бош мухандиснинг) тасдиқлаши билан ортиқча, шунингдек, ишлаб чиқариш ёки меънат интизомини бузувчи ишчиларни озод этиш, ишчиларга белгиланган тартибда тасдиқланган тариф разрядларини бериш, алоқида ўрناق қўрсатган ишчиларни мукофотлашга ва рабатлантиришнинг бошқа турларига тақдим этиш қўўли берилган. У ишлаб чиқариш ва меънат интизомини бузувчи ишчиларга интизомий жазолар бериш, ишлаб чиқариш меъёрларини мунтазам бажармаётган ва сифатсиз маъсулот ишлаб чиқаришга йўл қўётган ишчиларни паст қайта тўланадиган ишга ўтказиш қўўлига эга.

Уста ишчиларни носоз ускунада, шунингдек, сифатсиз хом-ашё ва материалларда ишлашига йўл қўймаслиги лозим. Корхона рақбарлари усталарни уларга хос бўлмаган хўжалик вазифалари ва қар хил қўшимча ишлар билан банд қилмаслиги керак.

Уста ишлаб чиқаришнинг бевосита ташкилотчиси сифатида ўз иш бўлини бўйича меҳнат унумдорлигининг ошиши ва мақсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларининг камайишини таъминлаш шарт. Унинг вазифасига иш бўлини ва ишлаб чиқариш бўйича режа қанда графикларга мувофиқ ишчи ва бригадирларга топшириқларни белгилаш, ишлаб чиқаришда ходимларга йўл-йўриқ бериш, мавжуд ишлаб чиқариш ускуналаридан самарали фойдаланишни, уларни иш билан юклаш ва тўри бир маромда фойдаланишни таъминлаши керак. Уста белгиланган технологик ва меҳнат интизомига, иш жойларида тозалик ва тартибга қатъий риоя этилишини кузатиб бормоқчи керак, иш жойлари бўйича барча кўрсатмалар усталар томонидан берилади.

Уста ишлаб чиқариш графикларини ишлаб чиқаришда иштирок этади, ишлаб чиқаришни ўз вақтида тайёрлашни ва бир маромда ишлашини таъминлайди. Уста хавфсизлик техникаси қанда ишловчиларнинг меҳнат муқофаси қоидалари аниқ бажарилиши тўғрисида алоқида қамхўрлик қилиши керак.

Смена бошлиқ (уста)нинг бевосита ихтиёрида қуйидагилар бўлади: ускунани созловчи ва смена электриклари, жинчилар, момиқ ажратувчилар, прессчилар, пахта узатувчилар, уруқлик чигит тайёрлаш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини йиғиш, тозалаш ва қайта ишлаш бўйича бўлим бригадирлари.

Тайёрлов бўлими пахтани қабул қилиш, сақлаш ва ташиш билан боғлиқ ишларга рақбарлик қилади. Бўлим вазифаси тайёрлов масканлари ва етказиб бериш базаларига рақбарлик, пахта етиштирувчи хўжаликлар билан контрактация шартномалари тузиш, уруқлик чигит тайёрлаш, улар билан пахта тайёрлов масканларини ва улар орқали пахта етиштирувчиларни таъминлаш, ўраш хўжалигини ташкил қилиш, хом-ашё ва тайёр мақсулот

бўлими билан бирга заводга тола ортиш режаларининг бажарилишини таъминлайдиган миқдор ва ассортиментда пахта етказиб бериш режасини ишлаб чиқиш, тайёрлов масканларининг хўжалик фаолиятини назорат қилишдан иборат.

Хом-ашё ва тайёр маъсулот бўлими завод қудудидаги тайёрлов масканида пахтанинг сақланишини ташкил қилади, ишлаб чиқаришга қайта ишлаш учун пахта юборилишини расмийлаштиради, ишлаб чиқаришдан тола, чигит, моми ва чиқиндилар қабул қилишни ва тайёр маъсулотнинг сақланишини ташкил қилади, пахта маъсулотларини истеъмолчиларга ортиб жўнатади ва тегишли хужжатларни расмийлаштиради.

Режа бўлими ишлаб чиқаришни режалоштириш, меънат ва иш қантини ташкил қилиш билан шуғулланади, бошқа бўлимлар ва ижрочиларни жалб қилган ҳолда истиқболий ва йиллик режаларини ишлаб чиқади, иш қани тўлашни ташкил қилади, бўлинмалар рақбарларига ишлаб чиқариш режасини, ходимлар иш қани фондларни ҳафтада ижрочиларга ишлаб чиқариш топшириқлари ва белгиланган меънат меёрларини етказди, ишлаб чиқариш режаси ва меънат режаси бажарилишининг боришини назорат қилади. Режа бўлими ишлаб чиқариш кўрсаткичларини иқтисодий тақлил қилади. Унинг муҳим вазифаси, шунингдек жорий этилган техниканинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашдир.

Бухгалтерия корхона хўжалик фаолиятининг қисоб-китобини олиб боради ҳафтада пул маблағлари ва моддий бойликларнинг сарф харажатини назорат қилади. Унинг вазифаси – корхонанинг бухгалтерия қисобини ва балансларини олиб бориш ва тузиш, омбор қисоб-китобининг олиб борилишини ҳафтада қисобдор моддий жиҳатдан жавобгар шахсларда сақланаётган товар-моддий бойликларнинг қолатини назорат қилиш, тайёрлов масканларида қисоб-китобга рақбарлик қилиш, тафтиш ва рўйхатга олиш ишларини олиб боради, молиявий ишларни бажаришдир.

Техник назорат бўлими (ТНБ) завод маъсулотлари (пахта толаси, чигит, моми, чиқиндилар)нинг сифатини, пахтанинг турлари, навлари, синфлари ва

бошқа белгилар бўйича уни қабул қилиш, жамлаш ва сақлашни, тайёрлов масканларида ва завод қудудида қарамланган пахтанинг сифатини баҳолашни назорат қилади. Бўлимга бошлиқ рақбарлик қилади, у айна вақтда завод лабораториясини мудиридир. ТНБ бошлиқи бевосита корхона рақбарига бўйсунди.

3.4. Пахта тозалаш корхонаси ишлаб чиқариш тузилмаси

Корхонанинг қўламлари тури ва қайси тармоққа мансублиги, технологик ихтисослашуви цехлар, участка ва устаналар ишлаб чиқариш қўламлари таркиби билан аниқланади. Корхонанинг бошқа бўлимлари: функционал бўлимлар, лабораториялар, бошқарув органларининг ишлаб чиқариш бўлимлари иш самарадорлигини ошириш учун тузилади.

Агар ишлаб чиқариш корхоналарида хом-ашёдан маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёни яқка қолда иштирок этса, бу корхона *оддий корхона* деб аталади.

Корхоналарда икки ёки бирнеча ишлаб чиқариш жараёнлари ёрдамида маҳсулот тайёрланса, бундай корхона – *мураккаб ёки комбинацияланган корхона* деб аталади.

Пахта тозалаш корхоналарини таркибий тузилиши ўзгаришига тайёрланадиган хом-ашё сифати ва миқдори, бозор конъюктураси ва рақобат муҳитидаги ўзгаришлар, ишлаб чиқаришнинг ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш даражаси ва шу каби бошқа омиллар таъсир қилади.

Пахта тозалаш заводи - ишлаб чиқариш таркибий ривожига эга бўлган саноат корхонаси қисобланади. Пахта тозалаш корхонасида нисбатан кам бўлган саноат ишлаб чиқариш персоналии (200-250 киши) банд бўлсада, у ишлаб чиқарадиган маҳсулот қажми етарлича катта миқдорий суммани ташкил этади.

Замонавий пахта тозалаш корхонаси тўлиқ электрлаштирилган бўлиб, илғор техника ва технология билан жиҳозланган технологик жараён

ёрдамида тайёр маъсулот ишлаб чиқаришда пахта хом-ашёсини ҳам тайёрлашни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида 99 та пахта тозалаш корхонаси фаолият юритиб, унинг таркибига 600 дан ортиқроқ пахта тайёрлаш масканлари ҳам киради.

Иж жойи корхонанинг ўйи исми бўлиб, бу ерда меънат жараёнида битта ёки бир-бирлари билан боғлиқ бўлган бир анча ишчилар гуруҳи меънат қилади.

Иш жойи ихтисослаштириш даражаси ва ишлаб чиқариладиган махсулот тавсифига кўра пахта тозалаш корхонаси ишлаб чиқаришнинг **оммавий** типига мансуб бўлиб, бир хил тупдаги маъсулот ишлаб чиқаради; асосий ишлаб чиқаришдаги меънат предмети қаракатланиши шаклига кўра эса **узлуксиз-оқим** типига мажбурдир. Узлуксиз - оқими ишлаб чиқаришнинг оммавий тип билан бирикганлиги ишчилар меънатининг етарлича ихтисослашишига, асбоб-ускуналарнинг қатъий равишда белгиланган технологик жараёни бажариш учун мослашишига, ишлаб чиқариш қувватидан самарали фойдаланиш ва технологик жараёни тўлиқ автоматлаштиришга имкон яратади. Булар барчаси меънат унумдорлиги юқори бўлишлигини ҳамда маъсулот ишлаб чиқариш харажатларининг пасайишини таъминлайди.

Замонавий пахта тозалаш корхонаси ишлаб чиқариш тузилмаси корхонанинг технологик хусусиятлари билан аниқланади. Пахта тозалаш корхонаси ишлаб чиқариш тузилмаси схематик тарзда 3.2-расмда акс этилган.


Пахта тозалаш заводининг **асосий ишлаб чиқаришига** корхонанинг асосий технологик вазифаларини бажарувчи - қуритиш, тозалаш, жин, линтер ва преслаш бўлимлари киради.

Ёрдамчи – хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш бўлимларига арра, тиклаш – механик ва энергия таъминоти хўжаликлари ҳамда бўлимлари

кириб, улар асосий ишлаб чиқариш бўлимлари иш фаолияти узлуксизлигини таъминлашга хизмат кўрсатади.

Ў **йшимча** цех ва бўлимлар таркибига уруқлик чигит тайёрлаш ҳамда ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишловчи (чиқиндиларни регенерацияловчи) цехлар киради. Ушбу ишлаб чиқаришнинг тузилмалари асосий ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган ҳолда фаолият юритади.

Пахта тозалаш корхоналарида **хизмат кўрсатувчи** бўлинмалар таркибига омбор транспорт, ённинг қарши ва лаборатория хўжаликлари киради.



3.2-расм. Пахта тозалаш корхонаси ишлаб чиқариш тузилмаси схемаси

Шунингдек, булардан ташқари пахта тозалаш корхоналарида ишловчиларга хизмат кўрсатадиган ўйидаги ташкилотлар: уй-жой хўжалиги, медицина, маданий-оқартив ва шу каби бошқалар ҳам фаолият юритади.

Пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқаришнинг *цехли тузилмаси* мавжуд эмас. Амалда технологик жараён, пахта хом-ашёсини асосий ишлаб чиқаришга узатиб беришдан тортиб, тайёр маҳсулот - тола тойини олингунча жараён бир узлуксиз ва юкланган оқимда кетма-кет равишда боқланган ҳар хил иш жойларидан иборат бўлган ягона бўлимдан ўтади.

Ёрдамчи – хизмат кўрсатувчи бўлинларда ҳам цехлар мавжуд эмас. Улар маъмурий тузилмага эга эмас ва алоқида қолда қисбот юритмайдилар, уста ёки бригадир томонидан бошқарилади.

Пахта тозалаш корхонаси таркибий тузилмасининг ажралиб турадиган томонларидан бири - бу унинг таркибига *тайёрлов тармоқининг* ўшилганлигидир. Кўплаб пахта хом-ашёсини тайёрлаш масканлари қуриштиш қурилмалари, тозалаш ускуналари, энергетика ва транспорт мосламалари билан жиҳозланган қуриштиш тозалаш цехига (қТЦ) эгадир.

Пахта тозалаш заводлари асосий ишлаб чиқариш бўлимлари юқори механизациялашганлик даражаси (тушириш – транспорт жараёнларидан ташқари) билан ажиралиб туради. Аммо, қанузгача пахта хом-ашёсини тайёрлаш тармоқида оқир қўл меҳнатидан фойдаланилади. Қўл меҳнати, асосан, қарамлашда, пахта хом-ашёсини транспортларга ортиш ва ундан туширишда, хом-ашёни пневмотранспортга узатишда, тойлаш жараёнида, арраларни тайёрлаш ва уни алмаштиришда кўпроқ қўлланилади.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш тузилмасини такомиллаштириш ва бошқарув аппаратининг шаклини ихчамлаштириш кўплаб йўналишлар бўйича олиб борилади. Улар энг муқимлари ўйидагилар:

- оралиқ бўлинларини қисқартириш, бўлимлар ва бошқа бўлинмаларни йириклаштириш, баравар иш бажараётган бошқарув аппарати органларини тугатиш;

- майда ишлаб чиқариш бўлинларини тугатиш, корхона цех ва бўлинмаларини йириклаштириш, саноат корхоналарини бошқаришнинг цехсиз тизимига ўтиш;
- таъмирловчи, материалларни бичиш, чиқиндиларни қайта ишлаш, транспорт хизматлари ва шу кабилар бўйича қатор корхоналарга хизмат кўрсатиш учун марказлаштирилган ишлаб чиқариш ташкилотларини тузиш;
- ахборот ва қисоб сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш алоқасини назорат қилиш, ишлаб чиқариш жараёнини диспетчерлаш ва тезкор мувофиқлаштирини жадаллаштириш учун компьютерлаш, янги ЭМЛарни кенг татбиқ этиш;
- режалаштириш ва қисобот шакиллари соддалаштириш ва қисқартириш;
- саноат ишлаб чиқаришни бошқарув илмлар тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва кенг миёсда ёйиш.

Ташкилий, техника-машина, механизм ва асбобларни такомиллаштириш воситаларини тадбиқ этиш қозирги бозор ва техника тараққиёти шароитларида, айтилса, қатъий зарур. Ишлаб чиқаришни муваффақиятли бошқариш учун хилма-хил ахборотлар зарур бўлиб, уларни тақил этиб ва қайта ишлаб, энг фойдали фаолият йўллари танлаш мумкин. Техника тараққиёти ривожланган сайин ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва жадаллаштиришда бундай ахборотлар оқими кўпайиб боради.

Таянч иборалари: менежмент, бошқарув, бошқарув аппаратининг тузилмаси, ташкилий тизим, тамойил, ишлаб чиқариш тузилмаси, акциядорлик жамияти, иш жойи, оммавий тип, оқимли ишлаб чиқариш, асосий ишлаб чиқариш, ёрдамчи ишлаб чиқариш.

Ўз-ўзини текшириш ва назорат қилиш учун саволлар:

1. Менежмент моҳиятини тушунтириб беринг?
2. Бошқарув аппаратининг тузилиши деганди нима тушунилади?
3. Ташкилий тизим ўзида нималарни мужассам этади?
4. Бошқарув идоралари ўртасидаги алоқаларнинг турига қараб тизимлар қандай турларга ажратилади?
5. Пахта тозалаш корхоналарида асосий бошқарув объекти бўлиб нима хизмат қилади?
6. Пахта тозалаш корхонаси бошқарув тузилмасининг вазифалари нималардан иборат?
7. Пахта тозалаш корхонаси ишлаб чиқаришнинг қайси типига мансуб?
8. Пахта тозалаш корхонаси ишлаб чиқариш тузилмасини схематик тарзда тушунтириб беринг?
9. Пахта тозалаш корхоналари ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатларини тавсифлаб беринг?

IV Боб. Ишлаб чиқариш жараёни ва уни вақт оралиқларида ташкил этиш

4.1. Ишлаб чиқариш жараёнининг тавсифи

Ишлаб чиқариш жараёни - корхонанинг мураккаб ва кўп ғиррали фаолияти асосида ташкил топган бўлиб, унинг асосий вазифаси дастлабки хом-ашёси тайёр маҳсулотга айлантиришдир. Ишлаб чиқариш жараёни меҳнат воситаси саналган ишлаб чиқариш ўроли ва жонли меҳнат қаракати йиғиндисидан иборат бўлиб, хом-ашёнинг тайёр маҳсулотга айланишига хизмат қилади. Ҳар бир жараённинг асосини фуқаро меҳнати ташкил қилади. Шахс ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат воситалари (машиналар, мосламалар ва қозоналар) ёрдамида меҳнат предметлари шаклини ўзгартиради ва натижада тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқариш жараёни элементарига меҳнат предмети, меҳнат ва меҳнат воситаси киради.

Меҳнат предмети - маҳсулот ишлаб чиқариш маҳсадида кишиларнинг меҳнат воситалари ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнида таъсир қиладиган хом-ашё, материаллар ва шу қабилардир. Пахта тозалаш саноатида меҳнат предмети пахта хом-ашёси қисобланади. **Меҳнат** - бу кишиларнинг турли хил фаолиятларида меҳнат воситалари ёрдамида меҳнат предметларининг шакли ва мазмунини ўзгаштиришда рўй берадиган жараёндир. Меҳнат доимий равишда такомиллаштирилиб берилади.

Меҳнат воситаси - киши томонидан меҳнат предметларига таъсир кўрсатишда ёрдам берадиган ишчи ва қуч машиналари, приборлар, назорат қилувчи ускуналар ва шу қабилардир. Ишлаб чиқариш жараёнинг нормал бўлишлигини таъминловчи бино ва иншоотлар ҳам меҳнат воситаси қисобланади.

Ишлаб чиқариш жараёни пахта тозалаш саноатида икки поёнадан иборат. *Биринчи поёнада* пахта хом-ашёсини қабул қилиш, сақлаш, уни асосий ишлаб чиқаришга етказиб беришни ўз ичига олса, *иккинчи поёна* - қайта ишлаш поёнасида хом-ашё кетма-кет ишлаб чиқариш жараёнларидан ўтиб, тайёр маҳсулотга айланади.

Меҳнат самарадорлиги ва иш сифати корхонанинг техник жиҳатдан ўроллантирилганлик даражаси ва меҳнат шароитига боғлиқдир. Асосий ишлаб чиқаришнинг барча элементлари доимо ривожланишдадир. Пахта

хом-ашёсининг сифат кўрсаткичлари, турим тури, шаттоки асбоб-ускуналар таркиби ўзгариб туради. Масалан, пахта хом-ашёсини тозаловчи "Мешат" русумли тозалаш батареяси РХ, ИХП, УХК тозолагичлар билан, ЗХДД русумли жинлар ДП-130 русумли жинлар билан алмаштирилди.

Мешатнинг ўзи ҳам такомиллаштирилмоқда. У механизациялаштирилмоқда ва автоматлаштирилмоқда.

4.2. Ишлаб чиқариш жараёнларининг турланиши


Маълумот тайёрлашнинг ишлаб чиқариш жараёни бир хил жараёнлардан иборат бўлади. Улар бир бири маълум технологик босқични ўз ичига олади. Мешат жарёни элементлари бирлиги сифат ва миқдорий белгиларига биноан амалга ошади ва бир шанча йўналишлар бўйича олиб борилади. Ишлаб чиқаришни ташкил этишда функционал, макон ва замондаги бўлакларга ажратиш фарqlанади. Ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг **функционал элементли бўлаги** ишлаб чиқаришнинг бир бутун жарёнида техника, технология, мешат предмети ва мешат ўзининг ҳам тартиблаштирилишини назарда тутди. Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг элементли бўлагининг асосий вазифасини юқори сифатли маълумот олишни таъминлайдинан асбоб-ускуналар, инструментлар, материал ва юқори малакали кадрларни тўғри танлаш қисобланади. Алоқида ишлаб чиқариш жараёнларининг (қуриш, тозалаш ва ш.к.) ўзаро бирлашиши ишлаб чиқаришнинг **макон ва замонда** ташкил этилишини таъминлайди. Тайёр маълумотни ишлаб чиқаришни қўлаб алоқида жараёнлар йиғиндисидан иборатдир. Ишлаб чиқариш жарёнлари турланиши схематик тарзда 4.1-расмда акс эттирилган.

Маълумки, хом-ашёнинг тайёр маълумотга айланишида барча жараёнларнинг роли бир хил бўмайди. Умуман ишлаб чиқариш жараёни асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи каби турларга бўлинади.

Асосий ишлаб чиқариш жараёнида пайта ишлов берилиши натажасида хом-ашёнинг геометрик андозалари, ўлчовлари ва физикавий хусусияти ўзгаради ва у тайёр маҳсулотга айланади. Пахта тозалаш корхоналарида бундай жарёнларга пахта хом-ашёсини ўуритиш ва тозалаш; жинлаш; линтерлаш; тола, моми ва чигитни тозалаш; пресслашлар киради.

Хом-ашёнинг тайёр маҳсулотга айланишида узлуксиз ишлаб чиқаришни таъминлашда зарурий имконият яратадиган жараён - **ёрдамчи** жараёндир. Пахта тозалаш кокхоналарида ёрдамчи жараёнларга ўйидагилар киради: асбоб-ускуналарни таъмирлаш, жин ва линтер ускуналаридаги аррани алмаштириш, элетроэнергия ва мойлаш материаллари билан таъминлаш.

Хизмат кўрсатувчи жараёнлар - ҳам асосий, ҳам ёрдамчи жараёнларга хизмат кўрсатувчи жараёндир. Уларга омбор хўжалиги, транспорт хизмати ва шу кабилар киради.



4.1-расм. Пахта тозалаш корхонаси ишлаб чиқариш тузилмаси схемаси

Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёни ва қисман меҳнат жараёнлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ тарзда йўлга қўйилган ҳолда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида корхона юқори даражадаги самарадорлик кўрсаткичларига эришади. Шунинг билан этиш лозимки, асосий ишлаб чиқариш жараёнларида бир хил ишлаб чиқариш бўлимларнинг иш унуми бир-бирига мос эмаслиги, ишчиларнинг нотўғри жойлаштирилиши, технология тизимига эътибор бермаслик, меҳнатни илмий асосда ташкил қилмаслик натижасида ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёни юқори даражада ташкил этилмаслиги каби корхона техник-иқтисодий кўрсаткичларининг пасайишига олиб келади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг *макон тури* ишлаб чиқаришни самарали хусусий жараёнларга ажратишни таъминлайди, уларни аниқ бир ишлаб чиқариш бўлимига бириктиришни, улар ўртасида ўзаро алоқадорликни ўрнатишни таъминлайди.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг *фазовий тури* ишлаб чиқариш циклининг даврийлигини, алоқида ишлаб чиқариш жараёнлари бажарилиши кетма-кетлиги, қайта ишлашга пахта хом-ашёси партиялари навбатга турилишини аниқлайди.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни операциялардан ташкил топган бўлиб, иш жойлари бўлишлигини талаб этади.

Технология жараёнининг асосий қисми операциядир. **Операция** деганда, меҳнат предмети билан ишчилар томонидан бир иш жойида жиҳозларни қайта созлаш ва иш жойини ўзгартирмасдан амалга ошириладиган ишлаб чиқариш жараёни тушунилади. Операция техник жараёнларни режалаштиришнинг, тузиб чиқишнинг ва меҳнатни меъёрлаштиришнинг асосини ташкил этади. Чунки, жиҳозларнинг бутун имкониятларидан тўла фойдаланиш, уларнинг тўхтовсиз ишлашига эришмоқ учун ва бу жиҳозларда ишлашга қанча ишчи кераклигини билиш учун операцияни бажаришга кетадиган вақтни қисқартириб чиқиш керак бўлади. Операциялар *фазаларга* бўлинади, фазалар эса *майда*

Паракатларга бўлинади. Операцияларни меҳнат жиҳатдан бундай элементларга бўлиш ишлаб чиқариш жараёнини таълил қилиш учун хизмат қилади.

Меҳнатни ташкил этиш жараёни маълум бир вақт ичида, маълум бир фазода амалга оширилади. Ўша фазонинг жараёни керакли асбоб-ускуна ва машиналар билан таъминланган, маълум бир меҳнат операцияларининг бир ёки бир гуруҳ ишчилар томонидан бажарилишига мўлжалланган *иш жойи* қисобланади.

Иш жойи ишлаб чиқариш жараёнининг биринчи босқичи ва унинг техник ташкилий асоси қисобланади. Иш жойида ишлаб чиқаришнинг асосий учта элементининг бирлашув жараёнида меҳнат амалга оширилади. Иш жойида меҳнат предметлари ва меҳнат ресурслари ўзаро таъсири натижасида меҳнат фаолияти вужудга келади.

Пахта тозалаш корхоналарида ҳар бир иш жойи ўзидан олдинги ва кейинги иш жойлари билан бевосита технологик боғлиқдир. Шунинг учун ҳам пахта тозалаш корхоналарида иш жойини ташкил этишда ўзаро боғланиш омилларига эътибор бериш шартдир.

4.3. Ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш тамойиллари

Истеъмочиларнинг доимий ўсиб боровчи талабини тўлароқ қондириш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кенг қамровли жараёнини такомиллаштириб бориш талаб этилади.

Ишлаб чиқаришни муваффақиятли ташкил этиш жараёни макон ва замонда асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи жараёнлар ҳамда кишилар ва ишлаб чиқаришнинг моддий элементларини биргаликда муқобил бирлаштиришдир.

Корхоналарда ишлаб чиқаришни самарали ташкил этишни таъминлайдиган асосий тамойиллар қуйидагилардир: ихтисослаштириш, пропорционалик, тўғри чизиқлилик, узлуксизлилик, бир маромдалик.

Ихтисослаштириш тамойили. У шуни англатадики,  ар бир иш жойи, б лими, цехи, о имга  ат ий чегараланган номенклатурадаги иш ёки жараён (бир турдаги ма сулот ишлаб чи арувчи) бириктирилган б лади.  ат ий белгиланган жараёнлар катта прессловчи, прессловчи, жинчи ва шу кабилар иш жойларида бажарилади.

Иш жойининг и тисослаштирилиши бир жойдаги маълум бир  ажмдаги ма сулотни ишлаб чи аришда б лиши мумкин. Ушбу тамойил   лланилиши жараёнларни механизациялаш, автоматлаштириш, роботлаштириш, кейиги технология жараёни бажариш учун ме нат предметини бир иш жойидан бош асига к чириш, махсус ускуна ва мосламаларни   ллаш, иш о ирлигини пасайтириш, ишлаб чи ариш майдонларидан янада о илона фойдаланиш имконини беради.

Шундай  илиб ихтисослаштириш  уйидаги афзалликларни таъминлайди:

1. Кенг ми ёсда ме нат та симоти асосида ишчилар ихтисослашади, иш услуги такомиллашади, малакаси ошади, натижада ме нат унумдорлиги к тарилади.

2. Махсус асбоб ускуналар   ллашга имконият яратади.

3. Бир жараёндан иккинчи жараёнга  тишда унумсиз ва т сарфланишини камайтиради ёки умуман й  тади.

4. Ишлаб чи ариш  увватидан т ли  фойдаланилади.

Пропорционаллик тамойили - ишлаб чи ариш жараёни, б лимлар ва иш жойларида ва т бирлигида ишлаб чи ариш унумдорлиги бир хилда б лишлигилир. Пропорционаллик бузилганда ишлаб чи аришда узлуксизлилик, бир маромдалик таъминланмайди ва иш жойларида орти ча материаллар т планиб  олишига олиб келади. Пахта тозалаш корхонасида пресс ускунаси иш унуми тола б йича жин батареялари иш унумига тенг б лиши лозим, агарда у тенг б лмаса ёки пресс ускунаси т хтаб турса, у  олда пресс ускунаси узатилётган пахта толасини тойлашга улгуриши учун жинларга пахта хом-аёси узатилиши ва тинчалик т хтатилиб турилиши талаб этилади. Агарда пахта хом-ашёсини узатиш жин ускунасида унга  айта ишлов бериш иш унумига мос

келмаса, у шолда пахта хом-ашёси ортишчалиги кузатилади ва бункер-таъминлагичда йишилади.

Ишлаб чиқариш пропорционаллиги айрим бўлимларнинг ортишча юкланишига ва бошқа бўлимларнинг шувватидан тўлиқ фойдаланилмасликка (масалан, линтерларда) йўл қўймайди шамда пахта тозалаш корхонасининг узлуксиз бир маромда ишлашининг манбаси шисобланади.

Тўри чизиқлилик тамойили талаби - меънат предметлари (хом-ашё, материаллар ва ш. к.) ишлаб чиқариш жараёнида тўри ошимда жойлаштирилиши ва натижада шисқа масофадан ўтишлари керак.

Узлуксизлилик тамойили ишлаб чиқаришда барча танаффусларни имкони борица минимал даражагача камайитиришни назарда тутати.

Бир маромдалик (ритм) тамойили тенг вақт оралигида бир хил шажмдаги машсулот ишлаб чиқаришни назарда тутати. *Ошим ритми деб*, ошим йўлларида машсулотнинг бирин-кетин тайёр бўлиш давридаги бир-бирлари орасидаги вақт оралишига (интервалга) айтилади. Бу интервал машсулот ишлаб чиқариш топшириқини бажариш учун сарфланган иш вақтини (смена, сутка) машсулот шажмига тақсимлаш йўли билан аниқланади:

$$Pr = \frac{Cв}{Mх},$$

бу ерда, Пр- ошим ритми;

Св- сарфланган иш вақти (соат, минут);

Мх- машсулот шажми (т., дона, мкватрат)

Мисол. Пахта тозалаш корхонасида бир суткада 400 шартли дона пахта толаси тойи олинган бўлса, ошим ритми Пр шуйидагига тенг:

$$Pr = \frac{24 \times 60}{400} = 3,6 \quad \text{минут} \quad \text{бир} \quad \text{дона} \quad \text{тойни} \quad \text{ишлаб} \quad \text{чиқариш}$$

учун сарф бўлган вақт.

Ишлаб чиқариш бир маромдалигини таъминлаш ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг самара берадиган омилларидан бири саналади. Ишнинг бир маромдалиги асбоб-ускуналар тўлиқ юкланишини; улардан тўри фойдаланишни, зўриқмаслигини; мавжуд барча ресурслардан оқилона фойдаланишга имкон беради.

Иш бир маромдалигини таъминлаш ишлаб чиқаришнинг барча бўлимлари: асосий, ёрдамчи, хизмат кўсатувчи бўлимлари учун мажбурийдир.

4.4. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш усуллари

Саноатда ишлаб чиқариш жараёнининг ташкил этиш шайидаги усулларда амалга оширилади: **якка, оқимли, партияли**. Ушбу усуллар бир-бирларидан иш жойининг ихтисослаштирилганлик даражаси, вақт бўйича операциялар ўширилиши турлари, ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз даражаси, цех ва бўлимлар шаклланиши тамойиллари бўйича фарқланади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг **якка усули** жуда мураккаб техникани ишлаб чиқаришда, шунингдек тажриба ишлаб чиқаришда, тикув саноатида эса алоқида буюмни тикишда ўлланади. Ҳар бир буюм бир-биридан фасони, кўриниши, ўлчами, мавсумбоплиги, ақолининг турли гуруҳларга мослиги, тикишда ишлатиладигин газламаси билан фарқланиб, ўзининг технологик ва конструктив хусусиятларига эга. Ишлаб чиқаришнинг бу турига ательелар ва якка тартибда буюртма билан кийим тикувчи устахоналар мисол бўла олади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг **партияли усули** мақсулотни серияли ишлаб чиқаришни назарда тутди. Иш жараёнида махсус ва универсал асбоб-ускуналардан фойдаланилади. Ушбу асбоб-ускуналар чизилган ва гуруҳлар бўйича жойлаштирилган бўлади. Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ушбу усули серияли ва кичик серияли ишлаб чиқаришларда кенг тарқалган. Масалан, машинасозлик корхоналарида деталларни тайёрлаш жараёнида, пахта тозалаш корхоналарида эса арра хўжалигида ушбу усул ўлланади.

Ишлаб чиқариш ва меънатни илмий ташкил этишнинг комплекс тизимида **оқимли** ишлаб чиқариш муқим ўрин эгаллайди. У ўзида ишлаб чиқариш жараёнининг шундай тузилмасини мужассам этадики, унда хом-ашё ва материаллар тайёр маъсулотга айланишида белгиланган услубда узлуксиз, технологик кетма-кетликда ва барча операцияларга бир вақтда қайта ишланади. Оқимли ишлаб чиқаришда технологик жараён бир хил тактда операцияларга бўлинади. Операциялар тактларини тўқрилаш жараёнининг пропорционал бўлишлиги учун қанда операциялар оралиқда заираларни камайтириш ёки умуман бўлмаслигини таъминлаш учун зарур бўлади.

Оқимли ишлаб чиқаришни ташкил этиш бир қанча тайёргарлик ишларини олиб боришни талаб этади. *Бу тадбирлар:* биринчи навбатда оқимли ишлаб чиқариш учун маъсулот турини аниқлаш ва уларни турлаш; асосий муомала технология жараёнлари тартибини ишлаб чиқиш; иш жойларини режалоштириш; ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, транспорт жараёнларини механизациялаштириш, автоматлаштириш ва табиий жараёнларни тезлаштириш керак. Ишлаб чиқариш оқимини ташкил этишни лойиқлашда қуйидаги *асосий кўрсаткичларни* қисобга олиш керак:

- қар бир иш жойида оқим ритмини таъминланиши;
- ишнинг тезлик даражаси;
- етакчи машиналарни иш билан тўла банд қилиши даражасини яхшилаш;
- оқим йўлларидаги машиналар сонини иш жойларидаги ишчилар сонига мослаштириш;
- иш жойларига қараб топшириқларни белгилаш;
- меънат буюмларнинг қаракат маршрутларини тўқри ташкил этиш.

Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг оқимли дастурида қар бир иш жойи махсус асбоб-ускуна, мослама билан таъминланади. Асбоб-ускуналар кетма-кет равишда ишлаб чиқаришни жараёни босқичлари бўйича жойлаштирилади. Меънат предметларининг бир агрегатдан бошқасига ўтилиши махсус жараёнлараро транспортлар (тасмали, шнекли ёки пневматик) ёрдамида амалга оширилади. Оқимли ишлаб чиқариш чегараланган

номенклатурадаги маълумотлар ишлаб чиқаришида ва оммавий тусда ташкил этилиши билан ажралиб туради.

Пахтачилик ишлаб чиқариши оқимли ишлаб чиқариш саналади. Ушбу жараёнда бир агрегат ўзига хос алоқида вазифасини бажаради. Ўқуритиш барабанлари пахта хом-ашёсини ўқуритиб, ундан намликни ажратади; тозалагичлар – майда ва йирик ифлосликлардан тозалайди; жинлар толадан чигитни ажратади, линтерлар чигитдаги калта толаларни ажратиб олади ва ўқоказо. Барча асбоб-ускуналар бир-бирлари билан пневмотранспорт ёки бошқа турдаги механик транспортёрлар ёрдамида боқланган.

Пахта тозалаш корхоналарида чегараланган номенклатурадаги маълумотлар (тола, чигит, моми) ишлаб чиқарилганлиги боис, оқимли ишлаб чиқариш ташкил этилган бўлиб, иш жойларига махсус асбоб-ускуналар бириктирилган.

Пахтачилик ишлаб чиқариши узлуксиз оқимли ишлаб чиқариш саналиб, унда барча жараёнлар давомийлиги нуқтаи назаридан тенг ёки такрорланувчидир. Ушбу жараёнда узлуксизлилик даражаси жуда юқоридир. Оқимли ишлаб чиқаришнинг олий шакли - *автоматик оқим* бўлиб, бунда бир бутун мажмуада технологик асбоб-ускуналар, транспорт ускуналари марказий автоматик назорат тизими ёмда меълнат предметларига ўайта ишлов бериш ва улар ўаракати жараёнларини бошқариш бирлаштирилади. Сўнгги йилларда пахта тозалаш саноатида кенг миёсда ихчам технологиялар ўўлланилмоқда. Пахта хом-ашёсининг дастлабки сифат кўрсаткичларига (ифлослик ва намлик даражасига) ўараб уни ўқуритиш ва тозалашда ихчам технология ўўлланилмоқда, яъни ифлослик даражаси паст бўлган ўолларда пахта барча тозалаш машиналардан эмас, балки кам машиналардан ўтказиб, шу орқали ортиқча механик урилишларнинг олдини олиш натижасида тола сифатини сақлаб ўолишга эришилади. Оқимли ишлаб чиқариш комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш учун кенг йўл очиб берадиган нисбатан илўор ва истиўболли ишлаб чиқаришни ташкил этиш усули ўисобланади.

ЮЎори шажмдаги ишлаб чиқаришда ихтисослаштириш даражасининг юксаклиги, меънатни ташкил этишнинг илқорлиги меънат унумдорлиги юЎори бўлишлигини таъминлайди.

Оқимли ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги маъсулот таннархи пасайишида шам рўй беради. Транспорт жараёнлари давомийлиги камайтирилиши оқибатида ишлаб чиқариш циклининг камайиши, ишлаб чиқариш майдонлари шисқартирилиши, омборлар сонининг кайтирилиши оқибатида маъсулот ишлаб чиқариш хражатлари сезиларли пасайтирилади ва натижада корхона фойдадорлик даражаси ошиши таъминланади.

4.5. Ишлаб чиқариш ташкилий типлари

Ишлаб чиқариш тип деб, маъсулот ишлаб чиқариш шажми, унинг номенклатураси кенглиги, ишлаб чиқарилаётган маъсулот муқимлигини тавсифлайдиган ташкилий, техник ва иқтисодий хусусиятлар йиқиндисига айтилади.

Ихтисослаштириш даражасига, ишлаб чиқарилаётган маъсулотларнинг турлари ва миқдорига шараб ишлаб чиқариш бир неча турларга - *якка (доналаб), серияли ва оммавий* ишлаб чиқариш турларига бўлинади.

Якка (доналаб) ишлаб чиқариш - меънат жараёнининг тузилиши, ўзининг беқарорлиги билан корхонанинг асосий ишлаб чиқариш иш жойларида бажарилаётган жараёнлар бир маъсулот тайёр бўлгандан сўнг иккинчи маъсулот учун ўзгаради. Ушбу ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш корхонаси дастури бир нечта номдаги оз миқдордаги маъсулот ишлаб чиқаришни назарда тутлади. Бу каби ишлаб чиқаришларда иш жойи ихтисослаштирилмайди. Ишчилар малакаси жуда юЎори, универсал асбоб-ускуналар ўлланилади.

Серияли ишлаб чиқариш - бу ишлаб чиқариш турида маълум вақт оралиқида бир хил маъсулотларни шайта шажмда серияли тайёрлаш такрорланади. Масалан, “Ўзбекхлопкомаш” заводи дастлаб партиялар бўйича 5-

ЛП русумли линтерларни, сўнгра циклонларни, УХК русумли серияли пахта тозалагичлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Ушбу ишлаб чиқариш турида универсал ускуналар билан биргаликда махсус ускуналардан ҳам фойдаланилади.

Серияли ишлаб чиқариш цехлари иш жойлари якка ишлаб чиқаришга қараганда нисбатан юқори ихтисослаштирилган. Ишчилар малакаси нисбатан тор, бинобарин универсал малакага эга ишчиларга қараганда уларни тайёрлаш осондир.

Бир иш жойига бириктирилган жараён сони билан тавсифланувчи сериялаш коэффициенти қийматига мувофиқ серияли ишлаб чиқаришнинг учта тури мавжуд:

20-40 ва ундан ортиқ бўлганлари- кичик серияли;

5-20 та бўлганлари- ўрта серияли;

3-5 та бўлганлари- йирик серияли.

Серияли ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш дастури етарлича доимийдир, асосий ишлаб чиқаришда иштирок этувчи асбоб-ускуналар тури озчиликни ташкил этади. Ушбу ишлаб чиқаришда соддалаштириш коэффициенти юқоридир.

